

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот технологияси**

**ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий этиш бўйича  
қўлланма**

(ISO/IEC 27003:2010, MOD)

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник кўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2014 йил 19 июндаги 05-550-сон қарори билан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

4 Ушбу стандарт ISO/IEC 27003:2010 Information technology - Security techniques - Information security management systems implementation guidance (ISO/IEC 27003:2010 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий этиш бўйича қўлланма) халқаро стандартига нисбатан модификация қилинган.

Ҳавола қилинган Ўзбекистон давлат стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар қўшимча қилинган G иловада келтирилган.

2-бўлим «Норматив ҳаволалар»да ҳаволаларни алмаштириш ва қўшимча қилиш тўғрисидаги ахборот уларни алмаштириш сабабларининг изоҳи билан G, H иловаларда келтирилган.

Техник оғишларнинг тўлиқ рўйхати уларни киритиш сабабларининг изоҳи билан ушбу стандартнинг H иловасида келтирилган.

Инглиз тилидан (en) таржима қилинган.

Мувофиқлик даражаси – модификация қилинган (MOD)

5 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

## Мундарижа

|   |  |    |
|---|--|----|
| 1 | Қўллаш соҳаси. . . . .   | 1  |
| 2 | Норматив ҳаволалар . . . . .   | 2  |
| 3 | Атамалар ва таърифлар . . . . .  | 2  |
| 4 | Ушбу стандартнинг структураси. . . . .   | 3  |
|   | 4.1 Стандарт бўлимлари . . . . .   | 3  |
|   | 4.2 Стандарт бўлимларининг структураси. . . . .  | 4  |
|   | 4.3 Схемалар . . . . .   | 5  |
| 5 | АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш . . . . .                  | 5  |
|   | 5.1 Кириш . . . . .  | 5  |
|   | 5.2 АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш . . . . .             | 7  |
|   | 5.3 АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш. . . . .                    | 11 |
|   | 5.4 Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбариятнинг рухсатини олиш. . . . . | 14 |
| 6 | АХБТ амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш. . . . .                         | 16 |
|   | 6.1 Кириш . . . . .  | 16 |
|   | 6.2 Ташкилотнинг фаолият соҳаси ва чегараларини аниқлаш . . . . .                        | 17 |
|   | 6.3 АКТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш . . . . .                              | 20 |
|   | 6.4 Физик амал қилиш соҳаси ва чегараларни аниқлаш . . . . .                             | 22 |
|   | 6.5 АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш . . . . .                             | 23 |
|   | 6.6 АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш . . . . .                     | 24 |
| 7 | Ахборот хавфсизлиги талабларини таҳлил қилиш . . . . .                                   | 25 |
|   | 7.1 Кириш . . . . .  | 25 |
|   | 7.2 АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш . . . . .                  | 27 |
|   | 7.3 АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш . . . . .               | 28 |
|   | 7.4 Ахборот хавфсизлигини баҳолаш . . . . .  | 29 |
| 8 | Рискларни аниқлаш ва уларни қайта ишлашни режалаштириш. . . . .                          | 32 |
|   | 8.1 Кириш . . . . .  | 32 |
|   | 8.2 Рискларни аниқлаш . . . . .  | 32 |
|   | 8.3 Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш . . . . .                                 | 35 |
|   | 8.4 АХБТни жорий қилиш ва ишлаши учун раҳбарият рухсатини олиш. . . . .                  | 36 |
| 9 | АХБТни ишлаб чиқиш . . . . .   | 37 |
|   | 9.1 Кириш . . . . .  | 37 |
|   | 9.2 Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш . . . . .                               | 40 |
|   | 9.3 АКТнинг ахборот ва физик хавфсизлигини таъминлаш . . . . .                           | 48 |
|   | 9.4 Муайян АХБТ учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш . . . . .                           | 50 |
|   | 9.5 АХБТ лойиҳасининг якуний режасини ишлаб чиқиш . . . . .                              | 55 |

|         |  |    |
|---------|--|----|
| A илова | (маълумот учун) Назорат жадвали . . . . .  | 57 |
| B илова | (маълумот учун) Ахборот хавфсизлиги соҳасида<br>вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш . . . . .                 | 64 |
| C илова | (маълумот учун) Ички аудит . . . . .   | 70 |
| D илова | (маълумот учун) Сиёсатлар структураси. . . . .   | 72 |
| E илова | (маълумот учун) Мониторинг ва ўлчаш . . . . .  | 78 |
| F илова | (маълумот учун) Ютуқнинг критик омилларига мисоллар . . .  | 86 |
| G илова | (маълумот учун) Ўзбекистон давлат стандартларининг<br>халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар. | 87 |
| H илова | (маълумот учун) Техник оғишлар ва уларни киритиш<br>сабабларининг изоҳи . . . . .                              | 88 |

## Кириш

Ушбу стандартнинг мақсади O‘z DSt ISO/IEC 27001 талаблари ва тавсияларига мувофиқ ташкилотлар учун ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини (АХБТ) жорий қилиш режасини ишлаб чиқиш бўйича амалий қўлланмани тақдим этишдан иборат. АХБТни ҳақиқатда жорий этиш, одатда лойиҳани жорий этиш каби амалга оширилади.

Ушбу стандартда тавсифланган жараёнлар 4, 5 ва 7-бўлимларнинг тегишли бандларида мавжуд бўлган O‘z DSt ISO/IEC 27001 талаблари жорий этилиши ва қуйидагиларнинг ҳужжатлаштирилиши қўллаб-қувватланишини таъминлайди:

- ташкилотда лойиҳанинг ташкилий структурасини белгиловчи ва раҳбариятнинг руҳсатини олувчи АХБТни жорий қилишнинг дастлабки тайёрланган режаси;

- АХБТнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш режаси;

- O‘z DSt ISO/IEC 27001 талабларини муваффақиятли бажариш мисоллари.

Ушбу стандарт ёрдамида ташкилот ахборот хавфсизлигини бошқариш жараёнини ишлаб чиқа олади ва манфаатдор томонларга ахборот активлари учун ахборот хавфсизлиги рискларининг ташкилот томонидан ўрнатилган йўл қўйиладиган чегараларда доимо қўллаб-қувватланиши кафолатини тақдим этади.

Ушбу стандартда АХБТни эксплуатация қилиш ва бошқа ишлар масалалари кўриб чиқилмайди, унда фақат АХБТни лойиҳалаш бўйича фаолият принциплари кўриб чиқилади. Бунинг натижасида АХБТ лойиҳасини жорий этишнинг якуний режаси олинади. АХБТ лойиҳасининг ўзига хос ташкилий қисмининг ҳақиқатда амалга оширилиши ушбу стандартни кўриб чиқиш соҳасидан ташқарида бўлади.

АХБТ лойиҳасини жорий қилишда лойиҳаларни бошқариш стандарт методологияларидан фойдаланиш керак, улар тўғрисида қўшимча ахборот лойиҳаларни бошқариш соҳасидаги тегишли стандартларда мавжуд бўлади.



---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот технологияси**  
**ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ**  
**Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий этиш бўйича**  
**қўлланма****Информационная технология**  
**МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ**  
**Руководство по внедрению системы управления информационной**  
**безопасностью**

Information technology  
Security techniques  
Information security management system implementation guidance

---

Киритиш санаси 2014-06-23**1 Қўллаш соҳаси**

Ушбу стандартда О'з DSt ISO/IEC 27001 талабларига мувофиқ АХБТни муваффақиятли лойиҳалаш ва жорий этишнинг муҳим аспекти кўриб чиқилади. Унда АХБТни лойиҳалашдан бошлаб амалда қўллаш режаларини ишлаб чиқишгача бўлган талаб ва лойиҳалаш ишларини шакллантириш жараёнлари берилган. Шунингдек, АХБТни жорий қилишнинг якуний режасини олиш мақсадида, АХБТни жорий этиш учун раҳбарият рухсатини олиш жараёни тавсифланган, АХБТни жорий этиш лойиҳаси (бундан кейин АХБТ лойиҳаси) спецификацияланган, АХБТни жорий қилиш лойиҳасини режалаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Ушбу стандарт АХБТ жорий этиладиган ташкилотлар томонидан қўллашга мўлжалланган. Уни барча турдаги ташкилотларда (масалан, тижорат корхоналари, давлат идоралари, нотижорат ташкилотлар) ҳар қандай ўлчамда қўллаш мумкин. Ҳар бир ташкилотнинг структураси ва rischi ўзига хосдир, шундан келиб чиқиб, унинг ўзига хос талаблари АХБТни жорий этишга таъсир ўтказди. Катта бўлмаган ташкилотлар ушбу стандартда тавсифланган, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳаракатларни соддалаштиришни ҳал этишлари мумкин. Йирик масштаби ёки мураккаб ташкилотлар ушбу стандартда белгиланган фаолиятларини самарали бошқаришни кўп тармоқли ташкилотлар ёки бошқарув тизимида ҳал этишлари мумкин. Бироқ ҳар иккала ҳолатда ҳам унга мос фаолият ушбу стандарт ёрдамида режалаштирилиши мумкин.

---

Расмий нашр

Ушбу стандарт ҳеч қандай талабларни ўз ичига олмайди, фақатгина тавсия ва изоҳлардан иборатдир. Ушбу стандарт АХБТ асосий стандартлари билан биргаликда О‘з DSt ISO/IEC 27001 ва О‘з DSt ISO/IEC 27002 да қўллашга мўлжалланган, унинг белгиланиши билан О‘з DSt ISO/IEC 27001 да белгиланган талабларнинг ёки О‘з DSt ISO/IEC 27002 да келтирилган тавсияларнинг ўзгариши ва/ёки камайиши ҳисобланмайди. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу стандарт сертификациялашда фойдаланиш учун мўлжалланмаган.

## **2 Норматив ҳаволалар**

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилади:

О‘з DSt ISO 9001:2009 Сифат менежменти тизимлари. Талаблар

О‘з DSt ISO 14001:2009 Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Атроф-муҳитни бошқариш тизими. Техник шартлар ва қўллаш бўйича қўлланма

О‘з DSt ISO/IEC 27000:2014 Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Шарҳ ва луғат

О‘з DSt ISO/IEC 27001:2009 Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Талаблар

О‘з DSt ISO/IEC 27002:2008 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг амалий қоидалари

О‘з DSt ISO/IEC 27004:2014 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимининг самарадорлигини ўлчаш

О‘з DSt ISO/IEC 27005:2013 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги рискларини бошқариш

О‘з DSt ISO/IEC 27006:2013 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимларининг аудити ва уларни сертификатлаштириш органларига қўйиладиган талаблар

## **3 Атамалар ва таърифлар**

Ушбу стандартда О‘з DSt ISO/IEC 27000 ва О‘з DSt ISO/IEC 27001 бўйича атамалар, шунингдек қуйидаги атама тегишли таъриф билан қўлланилади:

**3.1 АХБТ лойиҳаси:** АХБТни жорий этишда ташкилот томонидан қўриладиган структураланган фаолият турлари.




## 4 Ушбу стандартнинг структураси

### 4.1 Стандарт бўлимлари

АХБТни жорий қилиш ташкилотларнинг ўзига хос фаолияти бўлиб, одатда лойиҳа тарзида бажарилади. Ушбу стандарт АХБТни жорий қилиш жараёнларини тавсифлаб беради, бунда алоҳида эътибор лойиҳани инициация қилиш, режалаштириш ва аниқлаш жараёнларига қаратилади. АХБТни жорий қилишнинг якуний режалаштириш жараёни турли бўлимларда бир-бирига ўхшаш структурага эга бўлган, қуйидаги бешта фазага бўлинади:

- a) АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш (5-бўлим);
- b) АХБТ амал қилиш соҳаси ва сиёсатини белгилаш (6-бўлим);
- c) ташкилот таҳлилини ўтказиш (7-бўлим);
- d) рискларни баҳолаш ва уларни қайта ишлашни режалаштириш (8-бўлим);
- e) АХБТни лойиҳалаштириш (9-бўлим).

1-расмда АХБТ лойиҳасини режалаштиришнинг бешта фазаси ва асосий чиқувчи ҳужжатлар кўрсатилган.



1-расм. АХБТ лойиҳаси фазалари

Қўшимча ахборот қуйидаги иловаларда келтирилган:

- А илова «Назорат жадвали»;
- В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш»;
- С илова «Ички аудит»;
- D илова «Сиёсатлар структураси»;
- Е илова «Мониторинг ва ўлчаш»;
- F илова «Ютуқнинг критик омилларига мисоллар».

## **4.2 Стандарт бўлимларининг структураси**

Ушбу стандартнинг ҳар бир бўлими қуйидаги структурага эга бўлади:

а) ҳар бир бўлимнинг бошида битта ёки бир нечта шу доирада ечилиши лозим бўлган қўйилган мақсадлар келтирилади;

б) мақсад ёки фаза мақсадларига эришиш учун зарур бўлган битта ёки бир нечта жараён тавсифланади.

Ҳар бир жараён алоҳида бўлинмада тавсифланади. Жараённи тавсифлаш қуйидаги структурага эга:

### **Фаолият**

Фаолият фазанинг барча мақсадларига ёки бир қисмига эришиш зарурлигини белгилайди.

### **Кириш маълумотлари**

Кириш маълумотларида дастлабки ҳолат тавсифланади, масалан, ҳужжатлаштирилган қарорлар ёки ушбу стандартда тавсифланган фаолиятнинг бошқа турлари бўйича чиқиш маълумотлари мавжудлиги. Кириш маълумотлари, шунингдек тугалланган фаолиятнинг чиқиш маълумотлари сифатида мос келувчи бўлимга ёки фаолият ҳақидаги ўзига хос ахборотни бўлимга ҳавола қилгандан кейин оддий ҳавола йўли билан кўриб чиқилиши мумкин.

### **Тавсиялар**

Тавсиялар кўрсатилган фаолият турининг бажарилиши учун лозим бўлган батафсил ахборотдан иборат. Айрим тавсиялар барча ҳолатлар учун универсал ҳисобланмайди, шу сабабдан лозим бўлган натижага эришиш учун бундан бошқа янада кўпроқ мос келувчи усуллар қўлланилиши мумкин.

### **Чиқиш маълумотлари**

Чиқиш маълумотларида фаолиятнинг тугалланган турининг натижалари ёки тақдим этилган материал, масалан, ҳужжат тавсифланади. Чиқиш маълумотлари барча ташкилотлар учун, уларнинг миқёси ёки АХБТ амал қилиш соҳасидан қатъи назар, ягонадир.

## Қўшимча ахборот

Қўшимча ахборот фаолиятни бажариш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборотдан иборат бўлиши мумкин, масалан, бошқа стандартларга ҳаволалар.

Изоҳ – Ушбу стандартда тавсифланган фазалар ва фаолият турларида ҳар бир фаолиятнинг «кириш маълумотлари» ва «чиқиш маълумотлари» тавсифлари ёрдамида белгиланган ўзаро бир-бирига боғлиқлигига асосланган фаолиятни бажаришнинг тахминий кетма-кетлиги келтирилган. Шунга қарамай, кўпгина турли омилларга боғлиқ ҳолда (масалан, мавжуд бошқарув тизимининг самарадорлигига, ахборот хавфсизлиги аҳамиятини тушунишга, АХБТни жорий қилиш сабабига), ташкилот АХБТни ишлаб чиқиш ва жорий этишда (зарур бўлганда) ҳар қандай кетма-кетликдаги ҳар қандай фаолият турини танлаши мумкин.

### 4.3 Схемалар

Фаолият турлари ва чиқиш маълумотлари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун лойиҳада кўпинча график ёки схемалар берилади.

2-расмда лойиҳа барча фазаларининг қисқача шарҳини берадиган схемаларда шартли белгилашлар кўрсатилган. Схемалар ҳар бир фаза фаолияти қисқа шарҳининг кўргазмалилиги оширилишини таъминлайди.

Юқоридаги тўғрибурчакда АХБТ лойиҳасининг режалаштирилган фазалари берилган. Тушунчалари тегишли бўлимда берилган фаза ўзининг асосий чиқиш ҳужжатлари билан белгиланган.

Қуйи схемада (фаза фаолияти) юқоридаги тўғрибурчакнинг ажратилган фазасига мос келувчи фаолиятнинг асосий турлари ва ҳар бир фаолиятнинг асосий чиқиш ҳужжатлари берилган.

Қуйи тўғрибурчакнинг вақт ўқи юқоридаги тўғрибурчакнинг вақт ўқиға асосланган.

А фаолият ва В фаолият бир вақтнинг ўзида бажарилиши мумкин. С фаолият А ва В фаолиятлар тугаганидан кейин бошланиши керак.



## 5 АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш

### 5.1 Кириш

АХБТни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши керак бўлган бир нечта омиллар мавжуд. Ушбу омилларни кўриб чиқиш учун ташкилотнинг юқори раҳбарияти АХБТни жорий этиш лойиҳасининг иқтисодий асоси билан яхшилаб танишиб чиқиши ва уни маъқуллаши керак. Шундай қилиб, берилган фазанинг мақсади қуйидагича:

Мақсад:

АХБТни лойиҳалашни бошлаш, иқтисодий асос ва лойиҳа режасини ишлаб чиқиш учун раҳбариятнинг рухсатини олиш.



2-расм. Схемалардаги шартли белгилашлар

Ташкилот раҳбариятининг рухсатини олиш учун иқтисодий асосни ишлаб чиқиш керак, у АХБТ ташкилий структурасига қўшимча тарзда АХБТни жорий қилиш устувор вазифалари ва мақсадларини, шунингдек АХБТ лойиҳасининг дастлабки режасини ўз ичига олади.

Бу фазаларнинг ишларини бажариш ташкилотга АХБТнинг аҳамиятини тушуниш, АХБТни лойиҳалашда зарур бўлган ташкилот ходимларининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўрни ва жавобгарлигини аниқлаш имконини беради.

Бу фазанинг тахминий чиқиш маълумоти бўлиб дастлабки рухсатни олиш, раҳбариятнинг АХБТни жорий қилиш ва ушбу стандартда тавсифланган фаолият турларини бажаришдаги розилигидир. Шунингдек, кўйидаги материаллар ҳам тақдим этилиши лозим: иқтисодий асос ва асосий босқичларга бўлинган АХБТ лойиҳаси режасининг қоралама варианты.

3-расмда АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш жараёни кўрсатилган.

Изоҳ - O'z DSt ISO/IEC 27001 стандарти 5-бўлим (раҳбариятнинг АХБТни режалаштириш ва жорий этиш масалаларидаги ҳужжатлаштирилган розилиги) Чиқиш маълумотлари ва 7-бўлимнинг чиқиш маълумотларидан бирига (ахборот хавфсизлиги мақомини хулосаловчи ҳужжат) қўйиладиган талабларни ўз ичига олмайди. Шунга қарамай, бу турдаги фаолият чиқиш маълумотлари ушбу стандартда тавсифланган бошқа турдаги фаолиятнинг тавсия этилган кириш маълумотлари бўлиб ҳисобланади.

## **5.2 АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш**

### **Фаолият**



Кўриб чиқиладиган ташкилот учун АХБТни жорий қилиш мақсадида ахборот хавфсизлигининг устувор вазифалари ва талабларини кириштиш.

### **Кириш маълумотлари**

а) ташкилотнинг стратегик мақсадлари;  
 б) мавжуд бошқарув тизимларининг қисқача шарҳи;  
 с) ташкилот учун қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномаларда мавжуд бўлган ахборот хавфсизлиги талабларининг рўйхати.

### **Тавсиялар**

АХБТни лойиҳалашдан олдин раҳбариятнинг рухсатини олиш зарур. Шундан кейин, бажарилиши керак бўлган фаолиятнинг биринчи тури бўлиб ташкилотнинг АХБТ қийматига нисбатан зарур ахборотни йиғиш ҳисобланади. Ташкилот АХБТ унга нима учун керак эканлигини аниқлаб олиши ва АХБТ лойиҳасини жорий этиш ва инициация қилиш мақсадларини белгилаб олиши керак.



3-расм. АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбариятнинг руҳсатсини олиш

АХБТни жорий этиш мақсадлари қуйидаги саволларга жавоб беришда аниқланиши мумкин:

а) рискларни бошқариш. АХБТ ахборот хавфсизлиги рискларини бошқаришни қай даражада яхшилаётми?

б) самарадорлик. АХБТ ахборот хавфсизлигини бошқаришни қай даражада яхшилаётми?

с) бизнес учун афзаллик. АХБТ ташкилотнинг рақобатбардошлигини қай даражада қўтараётми?

Юқорида келтирилган саволларга жавоб олиш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилотнинг устувор вазифалари ва талабларини аниқлаш зарур:

а) стратегик жиҳатдан муҳим хўжалик юритувчи субъектлар ва таркибий бўлинмалар:

1) қайси хўжалик юритувчи субъектлар ва таркибий бўлинмалар стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланади?

2) қайси таркибий бўлинмалар ташкилот фаолиятини таъминлайди ва қайси фаолият турлари асосий ҳисобланади?

3) учинчи томонлар билан қандай ўзаро муносабатлар ва келишувлар мавжуд?

4) ташқи ташкилотларга аутсорсинг учун берилган қандайдир ички жараёнлар ёки ишлаб чиқариш функциялари мавжудми?

б) сезгир ёки муҳим ахборот:

1) ташкилот учун қандай ахборот критик ҳисобланади?

2) агар муайян ахборот бу тегишли ваколатларга эга бўлмаган тарафлар томонидан очилса (масалан, аниқ афзалликни йўқотиш, брэнд имижга ёки обрўсига зарар етказиш, суд жараёни ва ш.к.) қандай тахминий оқибатлар юзага келиши мумкин?

с) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1) рискларни қайта ишлаш ёки ахборот хавфсизлиги соҳасида қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкилот томонидан қўлланилиши мумкин?

2) ташкилот ташқи молиявий ҳисобот тақдим этишга мажбур бўлган халқаро глобал ташкилотнинг қисми ҳисобланадими?

д) ахборот хавфсизлигига нисбатан шартномалар ёки ташкилий келишувлар:

1) маълумотларни сақлашга (шу жумладан сақлаш муддатларига) қўйиладиган қандай талаблар мавжуд?

2) шартномаларда шахсий маълумотлар ёки сифатни (масалан, хизматларни тақдим этиш даражаси тўғрисида келишув) муҳофаза қилишга нисбатан қандайдир талаблар мавжудми?

е) ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг аниқ чора-тадбирлари ёки воситалари белгиланган тармоқ талаблари:

1) ташкилот учун қандай тармоқ талаблари қўлланилади?

f) атроф-муҳитга таҳдидлар:

- 1) қандай зарур ҳимоя ва қайси таҳдидлардан?
- 2) қайси тоифадаги ахборот муҳофазага муҳтож?
- 3) ахборот фаолиятининг қандай турлари муҳофаза этилиши

керак?

g) рақобатбардошлик омиллари:

1) ахборот хавфсизлигига қўйиладиган қандай минимал талаблар мавжуд?

2) ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг қандай қўшимча воситалари ташкилотнинг рақобатбардошлилигини ёрдам беради?

h) бизнеснинг узлуксизлиги талаблари:

1) критик бизнес-жараёнлар нима?

2) ташкилот ҳар бир критик бизнес-жараённинг бажарилишини қандай муддатга тўхтатиб туриши мумкин?

АХБТ амал қилишининг тахминий соҳаси юқорида келтирилган ахборотни таҳлил қилиш натижасида аниқланиши керак, у иқтисодий асосни ишлаб чиқишда ва АХБТ лойиҳасининг умумий режасини раҳбарият билан келишишда зарур бўлади. АХБТ амал қилиш соҳаси узил-кесил АХБТни лойиҳалаш вақтида аниқланади.

4.2.1-бандга асосан, O'z DSt ISO/IEC 27001 а) саноғи АХБТ амал қилиш соҳасини аниқлашда бизнес, ташкилот, унинг жойлашиши, активлари ва технологияларининг характеристикаларини ҳисобга олиш зарур.

АХБТ амал қилиш соҳасига нисбатан қарорлар қабул қилишнинг дастлабки босқичида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши керак:

а) ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасида ташкилот раҳбарияти томонидан қандай ваколатлар ўрнатилган ва ташкилот зиммасига қандай ташқи мажбуриятлар юклатилган?

б) тизим амал қилишининг мўлжалланаётган соҳаси учун бошқарувнинг бир неча гуруҳи жавобгар бўла оладими (масалан, турли филиал ва бўлимларнинг ходимлари)?

с) АХБТ ҳужжатлари бутун ташкилот бўйлаб қай тарзда тарқатилади (масалан, брошюра кўринишида ёки корпоратив тармоқ воситасида)?

д) амалдаги бошқарув тизими ташкилот эҳтиёжларига мос келадими? У тўлиқ ишга туширилдими, яхши ҳолатдами ва вазифаси бўйича ишляптими?

Масалан, АХБТ амал қилишининг тахминий соҳасини аниқлашда Кириш маълумотлари сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган бошқарув мақсадлари рўйхатига қуйидаги мақсадларни киритиш мумкин:

а) бизнеснинг узлуксизлигини ва ишламай қолиш ҳамда тўхтаб қолишлар юзага келгандан кейин ишлаш қобилятининг тикланишини таъминлаш;

б) инцидентларга нисбатан чидамлилиқни ошириш;



- с) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартнома шартлари ёки мажбуриятлар талабларини бажариш;
- д) O'z DSt ISO/IEC бошқа стандартларига мувофиқлиги учун сертификатлаштириш имконияти;
- е) ташкилотни қайта ташкил этиш ва жойлашган ўрнини ўзгартириш имконияти;
- ф) хавфсизликни бошқариш воситаларига бўлган харажатларни камайтириш;
- г) стратегик жиҳатдан муҳим активларни муҳофаза қилиш;
- ҳ) хавфсиз ва самарали ички бошқариш муҳитини яратиш;
- и) манфаатдор томонларга ахборот активлари лозим даражада муҳофазаланганлиги кафолатини тақдим этиш.

### **Чиқиш маълумотлари**

Бу фаолият натижасида қуйидагиларга эришилади:

- а) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мақсадларни, устувор вазифалар ва ташкилотнинг АХБТга қўйиладиган талабларини умумлаштирувчи ҳужжат;
- б) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги талаблардан иборат ва ташкилотда қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва тармоқ ҳужжатлари рўйхати;
- с) бизнес, ташкилот, унинг жойлашуви, активлар ва технологияларнинг характеристикаларини тавсифлаш.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот O'z DSt ISO 9001, O'z DSt ISO 14001 стандартларида келтирилган.

## **5.3 АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш**

### **5.3.1 АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини ишлаб чиқиш**

#### **Фаолият**

АХБТни жорий қилиш мақсадлари АХБТ лойиҳаси учун зарур бўлган АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини ўз ичига олиши керак.

#### **Кириш маълумотлари**

5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш» фаолияти чиқиш маълумотлари.

### **Тавсиялар**

АХБТни жорий этиш лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу лойиҳа ишлаб чиқиладиган ташкилотнинг структураси аниқланиши керак. Бу билан бир вақтда АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси аниқланиши керак. Буларнинг ҳаммаси ташкилот раҳбариятига қарорларни амалга ошириш ва истиқболдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар бериш имконини яратади.

АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси иқтисодий асосни ишлаб чиқишда ва таклиф этилган лойиҳа режасидан фойдаланиш учун раҳбарият рухсатини олишда зарур.

Бу босқич якунида АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини белгиловчи ҳужжат олинади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ташкилот раҳбарияти томонидан ўрнатилган ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасидаги ваколатларнинг ва ташкилот зиммасига юклатилган ташқи мажбуриятларнинг қисқача баёни;

б) амал қилиш соҳасида кўрсатилган фаолият соҳаси (соҳалари)нинг бошқа бошқарув тизимлари билан ўзаро ишлаши тавсифи;

с) ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасидаги бизнес-мақсадлар рўйхати (5.2-бандга асосан олинган);

д) АХБТдан фойдаланадиган ташкилотнинг критик бизнес-жараёнлари, тизимлари, ахборот активлари, географик жойлашган ўрни кўрсатилган ҳолда бинолари/иншоотлари рўйхати;

е) ташкилотнинг мавжуд бошқарув тизимлари, норматив ҳужжатлари, тегишли стандартлари ва мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги;

ф) бизнес, ташкилот, унинг жойлашуви, активлар ва технологияларнинг характеристикалари.

Ҳар қандай мавжуд бошқарув тизимининг жараёнлари ва тахмин қилинадиган АХБТ ўртасидаги умумий элементлар ва операцион фарқлар аниқланган бўлиши керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси тавсифланган ҳужжат.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

Изоҳ – Сертификатлаштиришда АХБТ амал қилиш соҳасига тегишли ҳужжатлар ташкилотда мавжуд бошқарув тизимларидан қатъи назар, ҳужжатларга қўйиладиган O'z DSt ISO/IEC 27001 нинг талабларига мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

### **5.3.2 АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси учун вазифа ва жавобгарликни аниқлаш**

#### **Фаолият**

АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси учун барча вазифа ва жавобгарлик аниқланиши керак.

#### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3.1 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини ишлаб чиқиш»да тавсифланган фаолият чиқиш маълумотлари;

б) АХБТни лойиҳалашдан фойда олувчи манфаатдор томонлар рўйхати.

#### **Тавсиялар**

Ташкилот ходимлари орасида АХБТни лойиҳалашда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар тақсимланган бўлиши керак. Одатда, вазифалар ҳар бир ташкилотда турлича тақсимланади, бу ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият билан шуғулланган ходимларнинг сонига боғлиқ. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилий структура ва ресурслар ташкилотнинг миқёси, тури ва структурасига қараб ўзгаради. Масалан, кичик ташкилотда битта ходим бир нечта вазифани бажариши мумкин. Шу билан бирга, раҳбарият ахборот хавфсизлигини бошқариш учун тўлиқ жавобгарлик билан вазифани белгилаб қўйиши керак (одатда бу ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи, ахборот хавфсизлиги маъмури ёки ш.к.); ходимлар орасида вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш ушбу ишни бажариш учун зарур бўлган уларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу вазифаларнинг самарали ва натижали бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасида вазифаларни аниқлашда энг муҳим ҳисобланган аспектлар қуйидагилардир:

а) вазифаларни бажариш учун умумий жавобгарлик раҳбарият зиммасида бўлади;

б) ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнини мувофиқлаштириш учун масъул этиб битта шахс тайинланади (одатда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлимининг бошлиғи);

с) ҳар бир ходим тенг равишда ўзининг асосий вазифасига ва ташкилотда ва ўзининг иш жойида ахборот хавфсизлигини қўллаб-қувватлаш учун жавобгардир.

Ахборот хавфсизлигини бошқариш соҳасидаги вазифалар ўзаро боғлиқ бўлиши керак; бу вазифани ахборот хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳ ёки бошқа шунга ўхшаш орган ёрдамида осонлаштириш мумкин.

АХБТни ишлаб чиқиш, жорий этиш, ишлаши ва эксплуатация қилишининг барча босқичларида ташкилотнинг тегишли мутахассислари

билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши (ва хужжатлаштирилиши) керак.

Муайян соҳадаги бўлинмаларнинг вакиллари (масалан, рискларни бошқариш соҳасида) АХБТни жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳнинг потенциал қатнашувчилар бўлиб ҳисобланади. Бу ишчи гуруҳ доимий бўлиши, ресурслардан тез ва самарали фойдаланишни таъминловчи қатнашувчиларнинг оптимал сонидан иборат бўлиши керак. АХБТ амал қилиш соҳаси нафақат бевосита ўзига тегишли соҳаларни, балки билвосита, масалан, юридик ва маъмурий бўлимларни, шунингдек рискларни бошқариш бўлими каби бўлинмаларни ўз ичига олади.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ташкилотда АХБТни муваффақиятли жорий этиш учун зарур бўлган вазифалар номи ва улар жавобгарлигининг тавсифини ўз ичига олувчи хужжат ёки жадвал.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот В иловада келтирилган, унда ташкилотда АХБТни муваффақиятли жорий этиш учун зарур бўлган вазифалар ва уларнинг жавобгарлиги батафсил тавсифланган.

## **5.4 Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбариятнинг рухсатини олиш**

### **Фаолият**

Ишлаб чиқилган иқтисодий асос ва АХБТ лойиҳасини раҳбариятга тақдим этиш, раҳбариятнинг рухсатини олиш ва АХБТ лойиҳасини жорий қилиш учун зарур бўлган ресурсларни ажратиш мажбуриятлари.

### **Кириш маълумотлари**

а) 5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

б) 5.3 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - хужжатлаштирилган: тахмин қилинадиган:

- 1) АХБТ амал қилиш соҳаси;
- 2) вазифа ва жавобгарликнинг ўзаро боғлиқлиги.

### **Тавсиялар**

Иқтисодий асосни ишлаб чиқиш ва АХБТ лойиҳаси режасини инициация қилиш учун зарур ахборот ушбу стандартнинг 6 ва 9-бўлимларида тавсифланган ишларнинг тахминий жадвали, асосий фаолиятнинг ресурслари ва босқичларини ўз ичига олиши керак.

Иқтисодий асос ва АХБТ лойиҳаси режасини инициация қилиш нафақат лойиҳанинг асоси, балки раҳбарият розилигини таъминлаш ва

АХБТни жорий қилиш учун зарур ресурслар ажратилишини асослаш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа АХБТни жорий қилиш бизнес-мақсадларга, ташкилий жараёнлар самарадорлигига эришиш ва бизнеснинг сермахсуллигини оширишга ёрдам беради.

АХБТни жорий қилишнинг иқтисодий асоси ташкилотнинг мақсадлари билан боғлиқ қисқача ифодадан иборат бўлиши ва қуйидаги аспектларни акс эттириши керак:

- a) вазифалар ва ўзига хос мақсадлар;
- b) ташкилот учун афзалликлар;
- c) АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси, шу жумладан дахлдор бўлган бизнес-жараёнлар;
- d) АХБТ мақсадларига эришиш учун зарур бўлган критик жараёнлар ва омиллар;
- e) лойиҳа юқори даражасининг қисқача шарҳи;
- f) тахминий жорий этиш режаси;
- g) вазифа ва жавобгарликни аниқлаш;
- h) зарур ресурслар (технология, ходимлар);
- i) мавжуд ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ҳисобга олган ҳолда жорий этишга нисбатан фикр-мулоҳазалар;
- j) асосий босқичлар бўйича ажратилган ишлар тартиби;
- k) кутилаётган харажатлар;
- l) ютуқнинг критик омиллари;
- m) ташкилот учун иқтисодий самара ҳисоб-китоби.

Лойиҳа режаси ушбу стандартнинг 6 дан 9 гача бўлимларида тавсифланган тегишли фазалар фаолиятини ўз ичига олиши керак.

АХБТни жорий қилишда иштирок этувчи шахслар ва манфаатлари АХБТга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш; улар учун иқтисодий асос ва АХБТ лойиҳаси билан танишиш, шунингдек тегишли мулоҳаза ва таклифларни ёзиш учун зарур вақт ажратилган бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган мулоҳаза ва таклифларнинг келиб тушишига кўра иқтисодий асос ва АХБТнинг таклиф этиладиган лойиҳасига тузатишлар киритилиши (зарур бўлганда) керак. Барча келишувлар олинганда иқтисодий асос ва АХБТнинг таклиф этиладиган лойиҳаси тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этилиши керак.

Раҳбарият иқтисодий асосни ва ташкилотнинг тўлиқ розилигига эришиш ва АХБТ лойиҳасини амалга оширишни бошлаш учун инициация қилинган лойиҳа режасини тасдиқлаши керак.

АХБТни жорий қилишга раҳбариятнинг розилиги билан кутиладиган афзалликлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- a) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномавий мажбуриятлар ва стандартларни билиш ва қўллаш, бу жавобгарликдан ва уларга риоя этилмаганлиги учун жазодан холи бўлиш имконини беради;
- b) ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг кўп каррали жараёнларидан самарали фойдаланиш;

- c) ахборот хавфсизлиги рискларини яхши бошқариш ҳисобига барқарорликни ошириш ва ишончни мустаҳкамлаш;
- d) критик бизнес-ахборотни идентификациялаш ва муҳофаза қилиш.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижалари қуйидагилардан ибрат:

- a) АХБТ лойиҳасини жорий қилиш учун раҳбариятнинг ҳужжатлаштирилган рухсати ва ресурсларни ажратиш;
- b) ҳужжатлаштирилган иқтисодий асос;
- c) босқичлар бўйича ажратилган инициация қилинган АХБТнинг таклиф этилган лойиҳаси (масалан, рискларни аниқлаш, жорий этиш, ички аудит ва раҳбарият томонидан таҳлил).

### **Қўшимча ахборот**

АХБТнинг иқтисодий асосини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ютуқнинг критик омилларига мисоллар F иловада келтирилган,

## **6 АХБТ амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш**

### **6.1 Кириш**

АХБТни жорий қилиш учун раҳбар рухсати АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасига, АХБТнинг иқтисодий асосига ва инициацияланган лойиҳа режасига асосланади. АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини батафсил аниқлаш, АХБТ сиёсатини аниқлаш, раҳбарият билан келишиш ва қўллаб-қувватланиши АХБТни муваффақиятли жорий қилишнинг дастлабки асосий омиллари ҳисобланади.

Шундай қилиб, ушбу фазанинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Мақсадлари:

АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини батафсил аниқлаш, АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш, раҳбариятдан келишувни олиш.

Ҳаволалар: O'z DSt ISO/IEC 27001 4.2.1, a), b) саноклар

«АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини батафсил аниқлаш» мақсадига эришиш учун қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- ташкилот фаолияти соҳаси ва чегаралари;
- ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- физик амал қилиш соҳаси ва чегаралар;
- O'z DSt ISO/IEC 27001 4.2.1 a), b) санокларига мувофиқ бизнес, ташкилот, унинг жойлашуви характеристикалари, активлар ва

технологияларнинг амал қилиш соҳаси ва чегаралари аспекти; ушбу амал қилиш соҳалари ва чегараларини аниқлаш жараёнида АХБТнинг сиёсати аниқланади;

- барча юқорида келтирилган амал қилиш соҳалари ва чегараларни бирлаштириш йўли билан АХБТнинг умумий амал қилиш соҳалари ва чегаралари.

Қуйидаги фаолият бўлиб АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни раҳбарият билан келишиш ҳисобланади.

Ташкилот томонидан самарали АХБТни яратиш учун ташкилот учун ўта муҳим ахборот активларини ҳисобга олган ҳолда унинг амал қилиш соҳаси батафсил аниқланган бўлиши керак. Ахборот активларини идентификация қилишда ва хавфсизлик механизмларини баҳолашда умумэтироф этилган атамалар ва тизимли ёндашувдан фойдаланиш қатъий суръатда тавсия этилади. Бу табиийки, ўзаро тушунишни осонлаштиради ва АХБТни жорий этиш фазаларининг барча кетма-кетлигини яхши тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, унинг фаолият соҳасига ташкилотнинг энг муҳим бўлинмалари киритилишини таъминлаш зарур.

АХБТ амал қилишининг муайян соҳаси бутун ташкилотга ёки унинг бир қисмига, масалан, бўлинма ёки унинг филиалининг аниқ чекланган бўлинмасига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, истеъмолчиларга «хизматлар» кўрсатиш ҳолатида АХБТ амал қилиш соҳаси бошқариш хизматига ёки кўпфункционал тизимига тааллуқли бўлиши мумкин (бутун бўлинма ёки унинг бир қисми). АХБТни сертификатлаштиришда O‘z DSt ISO/IEC 27001нинг талаблари муайян ташкилотнинг мавжуд бошқарув тизимларидан қатъи назар албатта бажарилиши керак.

Ташкилотнинг фаолият соҳаси ва чегараларини, АХБТнинг амал қилиш соҳаси ва чегараларини (6.3), физик амал қилиш соҳаси ва чегараларини (6.4) аниқлаш ҳар доим ҳам кўрсатилган кетма-кетликда бажарилиши шарт эмас. Шунга қарамай, бошқа амал қилиш соҳалари ва чегараларни аниқлашда олдиндан олинган амал қилиш соҳаси ва чегараларга ортиқча мурожаат қилишни камайтиради.

АХБТнинг амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш 4-расмда келтирилган.

## **6.2 Ташкилотнинг фаолият соҳаси ва чегараларини аниқлаш**

### **Фаолият**

Ташкилотнинг фаолият соҳаси ва чегараларини аниқлаш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини тавсифловчи ҳужжат, унда қуйидагилар кўриб чиқилади:

1) ташкилотнинг мажуд бошқарув тизимлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, тегишли стандартлари ва мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги;

2) бизнес, ташкилот, унинг жойлашуви, активлари ва технологияларининг характеристикалари;

б) 5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда устувор вазифаларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТни жорий қилиш учун раҳбариятнинг ҳужжатлаштирилган рухсати, лойиҳани ишга тушириш ва зарур ресурсларни ажратиш.

### **Тавсиялар**

АХБТни жорий қилиш учун зарур бўлган кучлар сони у қўлланиладиган амал қилиш соҳасининг катталигига боғлиқ. Бу шунингдек, бу соҳада объектлар (масалан, жараён, физик жойлашган ўрни, ахборот тизимлари ва ходимлар) ахборот ҳавфсизлигининг фаолият соҳасини таъминлаш, шу жумладан бошқарув воситаларини эксплуатация қилиш ва жорий қилиш, операцияларни бошқариш, шунингдек ахборот активларини идентификация қилиш ва рискларни аниқлаш каби вазифаларни бажариш билан боғлиқ бутун фаолиятга таъсир этиши мумкин.

Агар раҳбарият ташкилотнинг муайян қисмларини АХБТнинг амал қилиш соҳасидан чиқариб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилса, унда бу қарорнинг сабаблари ҳужжатлаштирилиши керак.

АХБТ амал қилиш соҳасини аниқлашда унинг чегаралари етарли даражада тушунарли қилиб аниқланиши муҳим, чунки уларни аниқлашда иштирок этмайдиган ходимларга ушбу чегаралар қаердан ўтаётганлигини осон тушунтириш мумкин бўлсин.

Айрим ахборот ҳавфсизлигини бошқариш воситалари, аллақачон, бошқа бошқарув тизимларида ишлатилмоқда. Улар АХБТни лойиҳалашда ҳисобга олиниши керак, лекин амалдаги АХБТнинг амал қилиш соҳаси чегараларини кўрсатиш шарт эмас.



Ташкилот чегараларини аниқлаш усулларида бири ўзаро тўқнашмайдиган жавобгарлик соҳаларини идентификация қилишдан иборат, бу ташкилотда ҳисобдорликни тақсимлашни осонлаштиради.

АХБТ амал қилиш соҳасига кирувчи ахборот активлари ёки бизнес-жараёнлар билан бевосита боғлиқ жавобгарлик соҳалари АХБТ бошқаруви остидаги ташкилотнинг бир қисми сифатида танланиши керак. Ташкилот чегараларини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак:

а) АХБТни бошқариш бўйича ишчи гуруҳ АХБТ амал қилиш соҳасига бевосита жалб этилган маъмурлардан иборат бўлиши керак;

б) АХБТга жавобгар бўлган раҳбарият вакили бўлиб, барча дахл қилган мажбуриятларнинг соҳасига жавобгар шахс бўлиши керак (яъни унинг вазифаси, одатда, ташкилот доирасидаги унинг назорат қилиш зонаси ва жавобгарлиги билан белгиланади);





4–расм. АХБТнинг амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш

с) АХБТга жавобгарлик вазифаси юқори раҳбарият таркибига кирмайдиган шахсга юклатилган бўлса, у ҳолда юқори раҳбарият таркибида ахборот хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи ва ташкилотнинг юқори даражаларида АХБТ қўллаб-қувватланишини таъминловчи шахс аниқланган бўлиши керак;

д) амал қилиш соҳаси ва чегараларни тўғри аниқлаш рискларни аниқлашда барча тегишли активлар ҳисобга олинганлигини ва мазкур чегаралар орқали кириб келувчи рисклар кўриб чиқилганлигини кафолатлайди.

Ташкилот чегараларини ушбу усулга асосланиб таҳлил қилишда АХБТ амал қилиш соҳасига киритилиши керак бўлган ташкилотнинг АХБТ таъсирига учраган барча ходимлари идентификация қилиниши керак. Ходимларни идентификациялаш танланган усулга боғлиқ ҳолда жараёнлар ва/ёки функциялар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар амал қилиш соҳаси доирасидаги айрим жараёнлар бегона ташкилотлар томонидан бажарилса, у ҳолда ушбу ўзаро муносабатлар тушунарли қилиб хужжатлаштирилиши керак. Бу ўзаро муносабатлар кейинчалик АХБТ лойиҳасини жорий этишда таҳлил қилиниши керак.

#### **Чиқиш маълумотлари**

Бу фаолият натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ташкилот бирон бир қисмининг АХБТ амал қилиш соҳасидан чиқарилишининг асосини ўз ичига олган АХБТ учун ташкилот чегараларининг тавсифи;

б) АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ташкилот қисмларининг функциялари ва структураси;

с) алмашинуви АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида амалга ошувчи ахборотни ва алмашинуви чегаралар орқали амалга ошувчи ахборотни аниқлаш;

д) ташкилотда юзага келувчи жараёнлар ва АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ва унинг доирасидан ташқарида бўлган ахборот активлари учун жавобгарлик;

е) қарорлар қабул қилишнинг иерархик жараёни, шунингдек АХБТ доирасида иерархик структура.

#### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

### **6.3 АКТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш**

#### **Фаолият**

АХБТда ишлатиладиган АКТ элементлари ва бошқа технологиялар элементларининг амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасининг тавсифини ўз ичига олган ҳужжат;

б) 6.2 «Ташкилот фаолияти соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

### **Тавсиялар**

АКТ амал қилиши соҳаси ва чегаралари ахборот тизими учун ишлатиладиган усул (ахборот технологиялари учун фойдаланиладиган усул ўрнига) билан аниқланган бўлиши мумкин. Раҳбарият томонидан АХБТ амал қилиш соҳасига ахборот тизимининг бизнес-жараёнларини киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, у билан боғлиқ барча АКТ элементлари ҳисобга олиниши керак. Улар ўз таркибига ташкилотнинг критик ахборотни сақлайдиган, қайта ишлайдиган ёки ташийдиган барча қисмларини, активларни ёки ташкилотнинг бошқа қисмлари учун амал қилиш соҳасида критик ҳисобланган қисмларини олади. Ахборот тизимларининг амал қилиши ташкилот чегаралари ҳамда давлат чегаралари билан чекланган бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- а) ижтимоий-маданий муҳит;
- б) ташкилот учун қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномаларда бўлган талаблар;
- с) жавобгарликнинг асосий соҳаларидаги ҳисобдорлик;
- д) техник чеклашлар (масалан, қулай бўлган ўтказиш қобилияти, хизматлардан фойдаланиш қулайлиги ва ш.к.)

АКТ чегараларининг юқорида кўрсатилган тавсифини қаерда қўллаш мумкинлигини ҳисобга олиб, қуйидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак:

- а) турли технологиялар (масалан, симли ва симсиз тармоқлар ёки маълумотлар узатиш тармоқлари/телефон тармоқлари) ишлатиладиган алоқа инфраструктураси, ташкилот зиммасига юклатиладиган бошқарув учун жавобгарлик;
- б) ташкилот томонидан ишлатиладиган ва назорат қилинадиган дастурий таъминот;
- с) тармоқ ёки тармоқлар, иловалар ёки ишлаб чиқариш тизимлари учун зарур бўлган АКТнинг аппарат воситалари;
- д) АКТ аппарат воситалари, тармоқлар ва дастурий таъминотга нисбатан вазифа ва жавобгарлик.

Агар юқорида келтирилган бир ёки бир неча бандлар ташкилот томонидан назоратга олинмаса, учинчи томонга боғлиқ ҳолда 6.2-бандга мувофиқ ҳужжатлаштирилиши керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

Бу фаолият натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) алмашинуви АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида амалга ошувчи ахборот ва алмашинуви чегаралар орқали амалга ошувчи ахборот;

б) АХБТ учун АКТ чегаралари, шу жумладан ташкилот томонидан АХБТ амал қилиш соҳаси орқали бошқариладиган АКТни истисно этишнинг асоси;

с) амал қилиш соҳасига кирувчи ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқларининг тавсифи, шунингдек ушбу тизимлар учун вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш. Амал қилиш соҳасидан ташқарида бўлган тизимлар қисқа тавсифланган бўлиши керак.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **6.4 Физик амал қилиш соҳаси ва чегараларни аниқлаш**

### **Фаолият**

АХБТнинг физик амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасининг тавсифини ўз ичига олган ҳужжат;

б) 6.2 «Ташкилот фаолияти соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

с) 6.3 «АКТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

### **Тавсиялар**

Физик амал қилиш соҳаси ва чегараларни аниқлаш бинолар, иншоотлар ёки АХБТ қисми бўлиши керак бўлган ташкилот ускунасини аниқлашдан иборат. Буни ташкилот физик чегараларини кесиб ўтадиган тақсимланган ва қуйидагилар зарур бўлган ахборот тизимлари учун амалга ошириш анча қийин:

а) периферия ускунаси;

б) ахборот тизимларининг фойдаланувчи интерфейслари ва учинчи томон хизматлари томонидан тақдим этиладиган хизматлар;

с) тегишли интерфейсларни ва хизмат кўрсатиш даражаларини қўллаш.

Физик чегараларнинг юқорида келтирилган тавсифини қаерда қўллаш мумкинлигини ҳисобга олиб, қуйидагиларни киритиш керак:

а) функциялар ёки жараёнларнинг ва бошқарув воситаларининг ташкилотда физик жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тавсифи;

б) АКТ аппарат воситаларини ёки АКТ чегараларида жойлашган амал қилиш соҳаси маълумотларини (масалан, магнит ташувчилардаги

резерв нусхалар) сақлаш/жойлаштириш учун фойдаланиладиган махсус ускуна.

Агар юқорида келтирилган бир ёки бир неча бандлар ташкилот томонидан назоратга олинмаса, учинчи томонга боғлиқ ҳолда 6.2-бандга мувофиқ ҳужжатлаштирилиши керак.

#### **Чиқиш маълумотлари**

Бу фаолият натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) АХБТ амал қилиш соҳасидан ташкилотнинг айрим физик чегараларини чиқариш асослари билан АХБТ физик чегараларининг тавсифи;

б) ташкилот ва унинг АХБТ амал қилиш соҳасига нисбатан географик характеристикаларининг тавсифи.

#### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

### **6.5 АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш**

#### **Фаолият**

Барча амал қилиш соҳалари ва чегараларни бирлаштириш йўли билан АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларни олиш.

#### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасининг тавсифини ўз ичига олган ҳужжат;

б) 6.2 «Ташкилот фаолияти соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

с) 6.3 «АКТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

д) 6.4 «Физик амал қилиш соҳаси ва чегараларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

#### **Тавсиялар**

АХБТ амал қилиш соҳаси кўп усуллар билан тавсифланиши ва асосланиши мумкин. Масалан, маълумотларни қайта ишлаш/сақлашнинг танланган маркази ёки офиснинг физик жойлашган ўрнидан фойдаланиб, унинг чегараларидан ўтувчи критик жараёнларни санаб ўтиш мумкин бўлади. Бу жараёнларнинг амал қилиш соҳасини АХБТ амал қилиш соҳасига киритиш керак. Шундай критик жараёнлардан бири, масалан, мобил истеъмолчиларнинг марказий ахборот тизимига кириши бўлиши мумкин.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси АХБТнинг амал қилиш соҳаси ва чегараларини тавсифловчи ва қуйидаги ахборотни ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади:

- а) ташкилотнинг асосий характеристикалари (унинг функциялари, структураси, хизматлари, активлари, ҳар бир актив учун жавобгарликнинг амал қилиш соҳаси ва чегаралари);
- б) АХБТнинг амал қилиш соҳасидаги ташкилот жараёнлари;
- с) АХБТнинг амал қилиш соҳасидаги ускуна ва тармоқларнинг конфигурацияси;
- д) АХБТнинг амал қилиш соҳасидаги ахборот активларининг тахминий рўйхати;
- е) АХБТнинг амал қилиш соҳасидаги АКТ активлари (масалан, серверлар) рўйхати;
- ф) АХБТнинг физик чегараларини аниқловчи объектларнинг жойлашиш схемалари;
- г) АХБТ доирасидаги вазифа ва жавобгарликнинг ҳамда уларнинг ташкилот структураси билан ўзаро боғлиқлигининг тавсифи;
- ҳ) АХБТ амал қилиш соҳасидан чиқарилган барча истисноларнинг батафсил тавсифи ва асоси.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **6.6 АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш**

### **Фаолият**

АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш.

### **Кириш маълумотлари**

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларининг тавсифини ўз ичига оллучи ҳужжат;
- б) 5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ жорий қилиш мақсадларини тавсифловчи ҳужжат;
- с) 5.4 «Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - ҳужжатлар:
  - 1) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилотнинг талаблари ва устувор вазифалари;

2) АХБТни жорий қилиш лойиҳасининг босқичлар бўйича ажратилган дастлабки режаси (масалан, рискларни аниқлаш, жорий қилиш, ички аудит ва раҳбарият томонидан таҳлил).

### **Тавсиялар**

АХБТ сиёсатини аниқлашда қуйидаги аспектлар ҳисобга олиниши керак:

- a) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилотнинг талаблари ва устувор вазифаларига асосланган АХБТнинг ўрнатилган мақсадлари;
- b) АХБТ мақсадларига эришиш бўйича ўрнатилган умумий устувор вазифалар ва фаолият йўриқномаси;
- c) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилот, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномаларнинг ҳисобга олинган талаблари;
- d) ташкилот доирасидаги рискларни бошқариш ҳолати;
- e) рискларни баҳолашнинг ўрнатилган мезонлари ва рискларни аниқлаш структураси;
- f) АХБТга нисбатан юқори даражадаги раҳбариятнинг аниқланган мажбурияти;
- g) раҳбариятдан олинган рухсат.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси раҳбарият томонидан тасдиқланган АХБТ сиёсатини тавсифловчи ҳужжатдир. Ушбу ҳужжат лойиҳанинг кейинги фазасида қайта тасдиқланиши керак, чунки у рискларни аниқлаш натижаларига боғлиқ.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот рискларни баҳолаш мезонларига нисбатан O'z DSt ISO/IEC 27005 да мавжуд.

## **7 Ахборот хавфсизлиги талабларини таҳлил қилиш**

### **7.1 Кириш**

Ташкилотда жорий вазиятни таҳлил қилиш жуда муҳим, чунки АХБТни жорий қилишда мавжуд талаблар ва ахборот активлари ҳисобга олиниши керак. Ушбу фазада тавсифланган фаолият турларининг катта қисми, самарадорлик ва қулайлик мулоҳазаларидан келиб чиқиб 6-бўлимда тавсифланган фаолият турлари билан параллел равишда бажарилиши мумкин.

Мақсадлар:

Тегишли АХБТ учун талабларни аниқлаш, АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ахборот активларини идентификациялаш ва ахборот хавфсизлигининг жорий ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш.



Ҳаволалар: O'z DSt ISO/IEC 27001 4.2.1, с) санок 1) қисман; 4.2.1, d), e) саноклар

Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таҳлил қилиш жараёнида тўпланган ахборотда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- a) дастлабки ҳолат тўғрисида раҳбариятга тақдим этиладиган маълумотлар (яъни, тўғри асосий маълумотлар);
- b) аниқланган ва ҳужжатлаштирилган жорий қилиш шартлари;
- c) ташкилотнинг функционал имкониятларини аниқ ва яхши асосланган ҳолда тушуниш;
- d) ташкилотдаги эътиборга олинадиган муайян ҳолатлар ва вазият;
- e) ахборотни муҳофаза қилишнинг зарур даражаси;
- f) бутун ташкилот ёки АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси доирасида унинг қисми учун зарур бўлган ахборотни йиғиш ва умумлаштиришга нисбатан фармойиш.

Ахборот хавфсизлиги талабларининг таҳлил қилинишини бажариш 5-расмда кўрсатилган.





5-расм. Ахборот хавфсизлиги талабларини таҳлил қилиш

## **7.2 АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш**

### **Фаолият**

АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлигининг батафсил талабларини таҳлил қилиш ва аниқлаш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - ҳужжатлар:

1) ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилотнинг мақсадлари, устувор вазифалари ва АХБТга қўйиладиган ташкилот талабларининг қисқача баёни;

2) ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий, шартномавий ва тармоққа оид чекловлари рўйхати;

б) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;

с) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати.

### **Тавсиялар**

Даставвал АХБТ учун барча қўшимча ахборотни тўплаш зарур. Ташкилотнинг ҳар бир жараёни ва ихтисослашган вазифаси учун критик ахборотни муҳофаза қилишга нисбатан, яъни талаб қилинадиган муҳофаза қилиш даражасига нисбатан қарор қабул қилинган бўлиши керак. Ахборот хавфсизлигига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ички шароитларни аниқлаш зарур. Бу босқичда ахборот технологияларининг батафсил тавсифи талаб этилмайди. Ҳисобот асоси бўлиб ташкилот жараёнини таҳлил қилиш натижасида олинган ахборот ва у билан ўзаро боғлиқ бўлган АКТ иловалари ва тизимлар ҳисобланади.

Ташкилот жараёнларини таҳлил қилиш натижасида ахборот хавфсизлиги инцидентларининг ташкилот фаолиятига таъсири тўғрисидаги ахборот олинади. Кўпгина ҳолларда ташкилот жараёнларининг базавий тавсифи билан ишлаш учун бунинг ўзи етарли бўлади.

Агар жараёнлар, функциялар, жойлашган ўрни, ахборот тизимлари ва коммуникация тармоқлари АХБТ амал қилиш соҳасига уланмаган бўлса, улар идентификацияланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

АХБТ учун ахборот хавфсизлигининг батафсил талабларини аниқлашда қуйидагилар бажарилган бўлиши керак:

а) муҳим ахборот активларининг дастлабки идентификацияси ва шу вақтда ахборотни муҳофаза қилишнинг мавжуд даражасини аниқлаш;

б) ташкилот қарашларини аниқлаш ва ушбу қарашларнинг ахборотни келажакда қайта ишлашга қўйиладиган талабларига таъсирини аниқлаш;

с) ахборотни қайта ишлашнинг мавжуд шакллари, тизимли дастурий таъминот, коммуникации тармоқлари, фаолиятнинг жойлашган жойи, ахборот ресурсларини ва ш.к ни таҳлил қилиш;

д) барча асосий талабларни аниқлаш (масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шартномавий мажбуриятлар, ташкилот ва тармоқ стандартлари талаблари, буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузилган контрактлар, суғурталаш шартлари ва ш.к.);

е) ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорлик даражасини аниқлаш, шундан келиб чиққан ҳолда, ташкилотнинг ҳар бир таркибий ва маъмурий бўлинма ходимларининг тренинглари ва ўқитилишига қўйиладиган талабларни аниқлаш.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) асосий жараёнлар, функциялар, жойлашган ўрни, ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқларини идентификациялаш;

б) ташкилотнинг ахборот активлари;

с) критик жараёнлар/активларни таснифлаш;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек ташкилот шартномалари талабларидан олинган ахборот хавфсизлиги талаблари;

е) ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлашда ҳисобга олиниши керак бўладиган ҳаммага маълум бўлган заифликлар рўйхати;

ф) ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилот ходимларининг тренинглари ва ўқитилишига қўйиладиган талаблар.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **7.3 АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш**

### **Фаолият**

АХБТ қўллаб-қувватланиши керак бўлган активларни идентификациялаш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;

б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбариятнинг рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;

с) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

### **Тавсиялар**

АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш учун қуйидаги ахборот аниқланиши ва санаб ўтилиши керак:

- а) жараённинг ноёб номи;
- б) жараён ва унга боғлиқ ишларни тавсифлаш (яратиш, сақлаш, узатиш, чиқариб ташлаш);
- с) ташкилот учун жараённинг критиклиги (критик, муҳим, ёрдамчи);
- д) жараён эгаси (ташкилот бўлинмаси);
- е) ушбу жараёнда бўладиган кириш маълумотлари ва чиқиш маълумотларини таъминловчи жараёнлар;
- ф) жараённи қўллаб-қувватловчи ахборот технологияларига иловалар;
- г) ахборотни таснифлаш (конфиденциаллик, яхлитлик, фойдалана олишлик, фойдаланишни бошқариш, рад этолмаслик ва/ёки унинг ташкилот учун бошқа муҳим хусусиятлари, масалан, ахборотни сақлаш вақти).

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ташкилот асосий жараёнларининг ахборот активларини идентификациялаш;
- б) ахборот хавфсизлиги характеристикаларига нисбатан критик жараёнлар ва ахборот активларини таснифлаш.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **7.4 Ахборот хавфсизлигини баҳолаш**

### **Фаолият**

Ташкилотнинг кўзлаган мақсадлари билан ташкилотда ахборот хавфсизлигининг жорий ҳолатини таққослаш йўли орқали ахборот хавфсизлигини баҳолаш.

### **Кириш маълумотлари**

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- б) 6.6 фаолият чиқиш маълумотлари «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият руҳсатини олиш» - АХБТ сиёсати;
- с) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- д) 7.3 «АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш» фаолият чиқиш маълумотлари.

## Тавсиялар

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш – бу мавжуд ахборот хавфсизлигининг даражасини аниқлаш фаолиятидир (яъни ташкилотда ахборотни қайта ишлашда фойдаланиладиган муҳофаза қилиш процедуралари). Ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг асосий мақсади бошқарув тизими учун зарур бўлган тавсифлаш учун қўшимча ахборотни сиёсат ва тавсиялар кўринишида тақдим этишдан иборат. Албатта, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, барча аниқланган камчиликлар устувор ишлар режаси асосида бир вақтда бартараф этилади. Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини баҳолашда барча иштирокчи томонлар ахборот хавфсизлиги ҳолатининг таҳлили натижалари, стандартлар ва норматив ҳужжатлар билан танишишлари ва тегишли раҳбар ходимларга чиқа олиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Ахборот хавфсизлигини баҳолашда унинг ташкилотдаги жорий ҳолати таҳлил қилинади, бунда қуйида келтирилган ахборотдан фойдаланилади, ахборот хавфсизлигининг жорий ҳолати ва ҳужжатлардаги қуйидаги заифликлар белгиланади:

а) критик жараёнларга нисабатан ҳодиса жойига эга бўлганларни ўрганиш;

б) ахборот активларини таснифлаш;

с) ташкилот ахборот хавфсизлигининг талаблари.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш натижаларининг ва ташкилот мақсадларининг барчаси ахборот хавфсизлиги соҳасида келажақдаги ишларни асослашнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Ахборот хавфсизлигини баҳолаш ички ёки ташқи мустақил ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш учун ахборот хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган мавжуд муҳит ва шароитлар тўғрисида яхши хабардор бўлган шахслар жалб қилиниши керак. Бундай шахслар гуруҳи таркибига ташкилотнинг барча бўлинмаларидан вакиллар танланиши керак, шу жумладан:

а) таркибий бўлинмалар раҳбарлари;

б) жараёнларга жавобгарлар (яъни ташкилот асосий бўлинмаларининг вакиллари);

с) ахборот хавфсизлигига таъсир этиши мумкин бўлган мавжуд муҳит ва шароитлардан яхши хабардор бўлган бошқа шахслар. Масалан, бизнес-жараёнлардан фойдаланувчилар, шунингдек тезкор, маъмурий ва юридик функцияларни бажарувчи ходимлар.

Ахборот хавфсизлигини муваффақиятли баҳолаш учун қуйидаги ишлар муҳим аҳамиятга эга:

а) ташкилот тегишли стандартларининг рўйхатини аниқлаш ва тузиш (масалан, O‘z DSt ISO/IEC 27002);

б) сиёсатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномавий мажбуриятлар, аввалги аудитлар ёки аввал бажарилган рискларни аниқлаш

натижалари билан ўрнатиладиган, бошқарувга қўйиладиган ҳаммага маълум талабларни аниқлаш;

с) ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги даражасининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тахминий баҳолаш учун маълумот сифатида юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан фойдаланиш.

Ташкилотни таҳлил қилиш вақтида бажарилган устувор вазифаларни аниқлаш оғоҳлантирувчи хавфсизлик чора-тадбирлари ва назорат курилмалари (бошқарув воситалари) кўзда тутилган асосдан иборат.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

а) ташкилотнинг асосий бизнес-жараёнларини ва ахборот хавфсизлиги талабларига нисбатан жараён босқичларини танлаш;

б) ташкилотнинг асосий жараёнларини, шу жумладан инфратузилмани (мантқиқий ва техник) камраб олувчи батафсил блок-схемани тузиш, агар бу ҳали ташкилотни таҳлил қилиш даврида амалга оширилмаган бўлса;

с) ташкилотнинг жорий ҳолатини ахборот хавфсизлиги талабларига нисбатан тегишли етакчи мутахассислар билан муҳокама ва таҳлил қилиш. Масалан, қайси жараёнлар критик ҳисобланади, улар ҳозирги вақтда қанчалик яхши ишляпти? (Олинган натижалар оқибатда рискларни аниқлашда ишлатилади);

д) мавжуд бошқарув воситаларини бошқарувга қўйиладиган аввалдан ўрнатилган талаблар билан таққослаш йўли билан бошқарув камчиликларини аниқлаш;

е) жорий ҳолатни расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси бўлиб ташкилотдаги хавфсизликнинг мавжуд ҳолатини умумлаштирувчи ҳужжат ва аниқланган заифликлар ҳисобланади.

### **Қўшимча ахборот**

Ушбу босқичда ахборот хавфсизлигини баҳолаш натижасида ташкилотдаги ахборот хавфсизлиги ҳолати ва заифликлар тўғрисида фақат дастлабки ахборот тақдим этилади, чунки ахборот хавфсизлиги сиёсатлари ва стандартларнинг тўлиқ тўплами кейинги босқичда ишлаб чиқилади (9-бўлимга мувофиқ) ва рискларни аниқлаш ҳали амалга оширилмаган.

## 8 Рискларни аниқлаш ва уларни қайта ишлашни режалаштириш

### 8.1 Кириш

АХБТни жорий қилишда ахборот хавфсизлигининг асосий рисклари ҳисобга олинган бўлиши керак. Рискларни аниқлаш (6-расм), баҳолаш ва уларни қайта ишлашни режалаштириш, шунингдек бошқарув мақсадларини ва бошқарув воситаларини танлаш ушбу фазада кўриб чиқиладиган АХБТни жорий этишнинг асосий босқичлари ҳисобланади.

О‘з DSt ISO/IEC 27005да мавжуд бўлган ахборот хавфсизлиги рискларини бошқариш бўйича махсус тавсиялар ҳам шу бўлимда кўриб чиқилади.

Раҳбарият томонидан АХБТни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган, АХБТ амал қилиш соҳаси ва сиёсати аниқланган, шунингдек ахборот фондлари ва ахборот хавфсизлигини баҳолаш натижалари маълум эканлиги тахмин қилинади.

Мақсад:

Рискларни аниқлаш методологиясини аниқлаш, рискларни қайта ишлаш вариантларини танлаш учун ахборот хавфсизлиги рискларини идентификациялаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш.

Ҳаволалар: О‘з DSt ISO/IEC 27001 4.2.1, с) - j) саноклар

### 8.2 Рискларни аниқлаш

#### Фаолият

Рискларни аниқлашни амалга ошириш.



#### Кириш маълумотлари

а) 7-бўлим «Ахборот хавфсизлиги талабларини таҳлил қилиш» фаолияти чиқиш маълумотлари - қуйидагиларга нисбатан ахборот:

- 1) ахборот хавфсизлигининг умумий ҳолати;
- 2) идентификацияланган ахборот активлари;

б) 6-бўлим «АХБТ амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - ҳужжатлар:

- 1) АХБТ амал қилиш соҳаси;
- 2) АХБТ сиёсати;
- с) О‘з DSt ISO/IEC 27005.





### **Тавсиялар**

АХБТ амал қилиш соҳасини тасдиқлаш учун ташкилотнинг бизнес-фаолияти контекстида хавфсизлик рискларини аниқлаш O'z DSt ISO/IEC 27001 стандарти талабларига мувофиқ АХБТни муваффақиятли жорий қилишнинг асоси ҳисобланади. Рискларни аниқлашда қуйидагилар бажарилган бўлиши керак:

- a) таҳдидлар ва уларнинг манбаларини идентификациялаш;
- b) мавжуд ва режалаштирилаётган бошқарув воситларини идентификациялаш;
- c) активлар ёки ташкилотга зарар келтириш учун таҳдидларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин бўлган заифликларни идентификациялаш;
- d) конфиденциаллик, яхлитлик, фойдалана олишлик, рад этолмасликни ва активларга нисбатан хавфсизликнинг бошқа талабларини бузиш оқибатларини аниқлаш;
- e) ахборот хавфсизлигининг тахмин қилинадиган ёки бўлиб ўтган инцидентларининг бизнесга таъсирини баҳолаш;
- f) инцидентларнинг эҳтимолий сценарийларини баҳолаш;
- g) риск даражаларининг бошланғич баҳоси;
- h) риск даражаларини рискларни баҳолаш мезонлари ва йўл қўйиладиган (мақбул) рисклар мезонлари билан қиёслаш.

Рискларни аниқлашда ташкилот мақсадларидан яхши хабардор бўлган ва хавфсизлик соҳасида билимларга эга бўлган (масалан, ташкилот мақсадлари учун бугунги кунда қайси бир таҳдидлар долзарб ҳисобланишини яхши билувчи) шахслар иштирок этишлари керак. Ушбу шахслар гуруҳининг таркибига ташкилотнинг барча бўлинмаларидан вакиллар кириши керак.

Ташкилот муайян бир компания томонидан таклиф қилинадиган ёки муайян лойиҳаларда ёки тегишли тармоқ стандартида мавжуд бўлган рискларни аниқлаш методологиясидан фойдаланиши мумкин.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- a) рискларни аниқлаш методологияларини тавсифлаш;
- b) рискларни аниқлаш натижалари.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасида вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш»да мавжуд.

Изоҳ – Инцидент сценарийси – бу ахборот хавфсизлиги инциденти вақтида таҳдидни амалга ошириш учун битта маълум заифлик ёки бир нечта заифликлар тўпламидан фойдаланадиган таҳдид тавсифи. O'z DSt ISO/IEC 27001 ва O'z DSt ISO/IEC 27005 да инцидентларнинг тўқнашадиган сценарийлари тавсифланади, масалан, «хавфсизликни бузиш».

### **8.3 Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш**

#### **Фаолият**

Рискларни қайта ишлаш вариантларини аниқлаш, шунингдек рискларни қайта ишлашнинг маълум вариантларига мос келувчи бошқарув воситаларини танлаш.

#### **Кириш маълумотлари**

- a) 8.2 «Рискларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - рискларни аниқлаш натижаси;
- b) O‘z DSt ISO/IEC 27005;
- c) O‘z DSt ISO/IEC 27002.

#### **Тавсиялар**

Рисклар ва уларни қайта ишлашнинг (масалан, рискларни қайта ишлаш режаси) танланган вариантлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш муҳим, чунки рискларни қайта ишлаш натижалари шунга боғлиқ. Рискларни қайта ишлашнинг эҳтимолий вариантлари O‘z DSt ISO/IEC 27001нинг 4.2.1, f) саноғида келтирилган. O‘z DSt ISO/IEC 27001нинг мажбурий А иловаси «Бошқарув мақсадлари ва воситалари»да рискларни қайта ишлашни бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлашда ишлатилади. Агар А иловада тегишли бошқарув мақсадлари ва воситалари мавжуд бўлмаса, у ҳолда қўшимча бошқарув мақсадлари ва воситалари аниқланиши ва ишлатилиши керак. Рискларни қайта ишлаш режалари талабларига мувофиқ танланган бошқарув воситалари рискларни камайтириш имконини беришини кўрсатиш зарур.

O‘z DSt ISO/IEC 27001нинг А иловасида келтирилган маълумотлар тўла-тўқис ҳисобланмайди. Бизнеснинг муайян талабларини қўллаб-қувватлаш учун, худди АХБТдаги каби, ўзига хос бошқарув воситалари аниқланиши мумкин.

Рискларни камайтириш жараёнида ҳар бир риск ва бошқарувнинг танланган мақсадлари ва воситалари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш АХБТни ишлаб чиқиш ва жорий этишда фойдали бўлади. Бу ўзаро боғлиқликларни рисклар ва рискларни қайта ишлашнинг танланган вариантлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар рўйхатига қўшиш мумкин.

Ташкилот аудитини ўтказишни осонлаштириш учун АХБТда қўллаш учун танланган бошқарув воситаларининг рўйхатини тузиш керак. Бу бизнес муносабатларини такомиллаштиришда қўшимча афзаллик беради, масалан, электрон аутсорсинг ёрдамида ўрнатилган бошқарув воситалари тўғрисида ҳисоботни тақдим этиш.

Ўрнатилган бошқарув воситалари тўғрисидаги ҳисобот сезгир ахборотни ўз ичига олиш эҳтимоли кучли эканлигини тушуниб етиш муҳим. Бинобарин, ушбу ҳисоботни ёзишда, ундан фойдаланиш имконияти ташкилотнинг ўз ходимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ходимлари учун ҳам мавжуд бўлишлигини ҳисобга олиш зарур. Активларни

аниқлашда АХБТни яратиш давомида олинган ахборотдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

#### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- a) бошқарув танланган мақсадлари ва воситаларининг рўйхати;
- b) рискларни қайта ишлаш режаси, шу жумладан рисклар ва танланган рисклар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тавсифи билан:
  - 1) уларни қайта ишлаш вариантлари билан;
  - 2) бошқарув мақсадлари ва воситалари билан (айниқса, рискнинг камайиши ҳолатида).

#### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот O'z DSt ISO/IEC 27002 да келтирилган.

### **8.4 АХБТни жорий қилиш ва ишлаши учун раҳбарият рухсатини олиш**

#### **Фаолият**

АХБТни жорий қилиш учун раҳбариятнинг рухсатини олиш, шунингдек қолдиқ рискларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш.

#### **Кириш маълумотлари**

- a) 5.4 «Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ лойиҳаси учун раҳбариятнинг дастлабки рухсати;
- b) 6-бўлим «АХБТ амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - ҳужжатлаштирилган:
  - 1) АХБТ сиёсати ва мақсадлари;
  - 2) АХБТ амал қилиш соҳаси;
- c) 8.2 «Рискларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - ҳужжатлаштирилган:
  - 1) рискларни аниқлаш методологиясини тавсифлаш;
  - 2) рискларни аниқлаш натижаси;
- d) 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - рискларни қайта ишлаш режаси.

#### **Тавсиялар**

Раҳбариятнинг рухсатини олиш учун юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар тайёрланган бўлиши ва кўриб чиқиш ҳамда қарор қабул қилиш учун раҳбариятга тақдим этилган бўлиши керак.

Қўлланилганлиги тўғрисидаги аризани тузиш ахборот хавфсизлигини бошқариш бўйича ишлар дастурига киритилган бўлиши керак. Бошқарув воситаларини батафсил текшириш даражаси АХБТни

жорий қилиш учун ташкилот раҳбариятининг рухсатини қўллаб-қувватлаш учун етарли бўлиши керак.

Юқори даражадаги раҳбарият томонидан қолдик рискларни қабул қилиш учун рухсат олинган бўлиши ва АХБТнинг ҳақиқатда ишлаши учун рухсат олинган бўлиши керак. Бу қарор рискларни аниқлашга ва АХБТни жорий қилишда ва у мавжуд бўлмаганида уларнинг пайдо бўлиш эҳтимолликларига асосланган бўлиши керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

- a) АХБТни жорий қилиш учун раҳбариятнинг ёзма рухсати;
- b) раҳбарият томонидан қолдик рискларни қабул қилиш;
- c) қўлланишлиги тўғрисида ариза, шу жумладан бошқарувнинг мақсадлари ва танланган воситалари.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **9 АХБТни ишлаб чиқиш**



### **9.1 Кириш**

Бу босқичда АХБТ лойиҳасининг ишчи ҳужжатлари ва уни жорий этиш режаси ишлаб чиқилган бўлиши керак. АХБТ лойиҳасининг якуний режаси ҳар бир муайян ташкилот учун аввалги фаолият натижаларига, шунингдек ушбу бўлимда тавсифланган ишланма натижаларига боғлиқ ҳолда батафсил текширилган, ноёб бўлиши керак.

Ушбу бўлимнинг чиқиш маълумотлари АХБТ лойиҳасини жорий этишнинг аниқ якуний режаси ҳисобланади. Ушбу режага асосланган АХБТ лойиҳаси O'z DSt ISO/IEC 27001да тавсифланган «режалаштириш – амалга ошириш – текшириш – амал қилиш» [«Plan-Do-Check-Act» (PDCA)] модели циклининг «амалга ошириш» биринчи фазасининг қисми сифатида ташкилотда ишга туширилиши мумкин.

АХБТни жорий қилишга ташкилот раҳбариятининг розилиги АХБТ амал қилиш соҳаси ва сиёсатида айтиб ўтилган деб тахмин қилинади. Шунингдек, ахборот активлари ва ахборот хавфсизлигини баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мумкин деб тахмин қилинади. Шунингдек, рисклар, бошқарувнинг идентификацияланган танланган мақсадлари ва воситалари билан рискларни қайта ишлаш вариантлари тавсифланган рискларни қайта ишлаш режасидан фойдаланиш керак.

Ушбу бўлимда тавсифланган АХБТни ишлаб чиқиш (7-расм) АХБТ ички структураси ва талабларига қаратилган. Таъкидлаш лозимки, маълум ҳолатларда АХБТни ишлаб чиқиш бизнес-жараёнларни ишлаб чиқишга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир этиши мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, одатда, бошқарувнинг аввалдан мавжуд структураси ва инфратузилмаси билан АХБТ компонентларини интеграция қилиш зарурати мавжуд.



7-расм. АХБТни ишлаб чиқиш

АХБТни жорий қилишнинг якуний режасини тугаллаш: рискларни қайта ишлашнинг танланган вариантлари, шунингдек ёзувларни юритиш ва ҳужжатлаштириш талаблари асосида ташкилот хавфсизлигини ишлаб чиқиш, АКТ ҳимоясини таъминловчи комплекс бошқарув воситаларини ишлаб чиқиш, АХБТ учун ўзига хос талабларни ишлаб чиқиш.

Ҳаволалар: О‘z DSt ISO/IEC 27001 4.2.2, а) - е), h) саноклар

АХБТни ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ҳисобга олиш керак:

а) ташкилот хавфсизлиги - ахборот хавфсизлигининг маъмурий аспектларини, шу жумладан рискларни қайта ишлаш учун ташкилот жавобгарлигини қабраб олади. Ушбу аспектлардан шундай фаолият турларининг комплекси шакллантирилиши керакки, унинг натижасида ташкилот сиёсати, мақсадлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва яхшилаш жараёнлари ва процедуралари унинг эҳтиёжлари ва рискларига нисбатан олиниши керак;

б) АКТ хавфсизлиги – рискларни камайтириш бўйича бевосита АКТ операцияларини бажариш билан боғлиқ ахборот хавфсизлиги аспектларини қамраб олади. Бу аспектлар рискларни камайтириш бўйича ташкилот томонидан ўрнатилган талабларнинг бажарилишини ва тегишли бошқарув техник воситаларининг жорий қилинишини таъминлаши керак;

с) физик хавфсизлик - бевосита физик муҳит ҳимояси билан боғлиқ ахборот хавфсизлиги аспектларини қамраб олади, масалан, рискларни камайтиришни таъминловчи бинолар, иншоотлар ва уларнинг инфратузилмалари. Бу аспектлар рискларни камайтириш бўйича ташкилот томонидан ўрнатилган талаблар бажарилишини таъминлайди ва бошқарувнинг тегишли техник воситаларини жорий қилади;

д) АХБТнинг ўзига хос хусусияти – О‘z DSt ISO/IEC 27001 га мувофиқ АХБТга қўйиладиган турли ўзига хос талаблар билан боғлиқ бўлган аспектларни ўз ичига олади, бундан урта юқорида санаб ўтилган соҳалар мустасно. Асосий эътибор АХБТни жорий қилишда унинг ишлаш қобилиятини таъминлаш учун бажарилиши керак бўлган маълум фаолият турларига қаратилади, уларга қуйидагилар тегишли:

- 1) мониторинг;
- 2) ўлчаш;
- 3) АХБТнинг ички аудити;
- 4) тренинглар ва хабардорликни ошириш;
- 5) инцидентларни бошқариш;
- 6) раҳбарият томонидан таҳлил;

7) АХБТни яхшилаш, шу жумладан тузатишлар киритувчи ва огоҳлантирувчи ишлар.

АХБТ лойиҳасини ишлаб чиқиш ва шу билан боғлиқ бошқарув воситаларини режалаштирилган жорий қилиш ишларига ташкилотнинг АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида бўлган ёки АХБТни бошқариш учун жавобгарлик юклатилган бўлинмаларининг тегишли кўникма ва тажрибага эга бўлган ходимларини жалб қилиш зарур. АХБТнинг ўзига хос аспектларини раҳбарият билан муҳокама этиш керак.

АКТ хавфсизлиги муҳити, физик хавфсизлик муҳити ва ташкилот хавфсизлиги муҳитини ишлаб чиқиш учун рискларни қайта ишлаш учун ишлатиладиган танланган бошқарув воситаларини ишлаб чиқиш зарур. АКТ хавфсизлиги нафақат ахборот тизимлари ва тармоқларига, балки эксплуатацион талабларга ҳам тааллуқлидир. Физик хавфсизлик эркин фойдаланишни бошқариш, рад этолмаслик, ахборот активларини физик муҳофаза қилиш, ахборотни сақлашнинг барча аспектларига тааллуқли, шунингдек у хавфсизликни бошқариш воситалари учун муҳофаза қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

8.3-бандга мувофиқ танланган бошқарув воситалари АХБТ лойиҳаси режасининг бир қисми ҳисобланган, ўзига хос структураланган ва батафсил текширилган жорий қилиш режасига асосан жорий қилинган бўлиши керак. АХБТ лойиҳаси режасининг ушбу муайян қисмида бошқарув мақсадларига эришиш учун ҳар бир рискни қайта ишлаш қай тарзда амалга оширилиши кўриб чиқилиши керак. Бу АХБТ лойиҳаси режасининг ўзига хос қисми танланган бошқарув воситаларини лозим даражада ва самарали жорий қилишга ёрдам берувчи ниҳоятда муҳим қисми ҳисобланади. Бу жорий қилиш режасининг ўзига хос қисмини ёзиш учун пировардида АХБТ лойиҳасининг якуний режасини ишлаб чиқаётган ахборот хавфсизлигини бошқариш гуруҳи жавобгар бўлади.

## **9.2 Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш**

### **9.2.1 Ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг якуний структурасини ишлаб чиқиш**

#### **Фаолият**

Ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги функция, вазифа ва жавобгарлигига рискларни қайта ишлашни киритиш.

#### **Кириш маълумотлари**

а) 5.3.2 «АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳаси учун вазифа ва жавобгарликни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - вазифа ва жавобгарликлар жадвали;

б) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;

- с) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- d) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- е) 7.3 «АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- f) 7.4 «Ахборот хавфсизлигини баҳолаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- g) 8.2 «Рискларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - рискларни аниқлаш натижалари;
- h) 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- i) O'z DSt ISO/IEC 27002.

### **Тавсиялар**

Ички АХБТ учун ташкилий структура ва эксплуатация қилиш жараёнларини аввалдан мавжуд соҳаларни ҳисобга олиш имконияти бўлганда ва улар билан интеграциялашуви зарур бўлганда ишлаб чиқиш керак. Шунингдек АХБТни ишлаб чиқиш жараёнида АХБТнинг аввалдан мавжуд асосий бошқарув структуралари билан (масалан, ички аудит билан) интеграциялашувини кўзда тутиш зарур.

Ташкилотнинг АХБТ лойиҳалаштирилаётган структурасида АХБТни жорий этиш ва эксплуатация қилиш бўйича фаолияти акс эттирилган бўлиши керак, шунингдек АХБТни эксплуатация қилиш жараёнида тегишли усуллардан фойдаланиш имконияти, масалан, ёзувлар мониторинги ва уларни юритиш кўриб чиқилган бўлиши керак.

Мос равишда, АХБТнинг режалаштирилган жорий этилиши асосида АХБТни эксплуатация қилиш структурасини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- а) АХБТни эксплуатация қилишда АХБТни жорий қилишда аниқланган ҳар бир вазифа зарурми?
- б) АХБТни жорий этишда белгиланган вазифалар аниқланган вазифалардан фаркланадими?
- с) АХБТни жорий қилишда қандай вазифаларни қўшиш керак?

Масалан, АХБТни эксплуатация қилишда қуйидаги вазифалар қўшилиши мумкин:

- а) ҳар бир бўлинмада ахборот хавфсизлигини таъминлашга жавобгар шахс;
- б) ҳар бир бўлинмада АХБТни ўлчашга масъул бўлган шахс.

В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифа ва жавобгарликни тақсимлаш»да баён этилган тавсиялар АХБТни жорий қилишда структура ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш орқали АХБТни эксплуатация қилишдаги структура ва вазифалар тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ёрдам берадилар.



### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси бўлиб ташкилот структурасини, вазифа ва жавобгарликни умумлаштирувчи ҳужжат ҳисобланади.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот қуйидаги иловаларда келтирилган:

- В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасида вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш»;
- С илова «Ички аудит».

## **9.2.2 АХБТ ҳужжатлари структурасини ишлаб чиқиш**

### **Фаолият**

АХБТ ёзувлари ва ҳужжатларини бошқариш ўрнатилган талаблар ва АХБТ ёзувлари ва ҳужжатларини жорий бошқариш бўйича талабларни бажариш имконини берувчи структурага мувофиқ амалга оширилиши керак.

### **Кириш маълумотлари**

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТсиёсати;
- с) 8.4 «АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш учун раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- д) 9.2.1 «Ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг якуний структурасини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- е) O'z DSt ISO/IEC 27002.

### **Тавсиялар**

АХБТ ёзувларини юритиш тизими учун қуйидагиларни ишлаб чиқиш зарур:

а) АХБТни ҳужжатлаштиришнинг асосий қоидалари, АХБТ ҳужжатлаштирилган процедураларининг структураси, маълумотларнинг бажараётган вазифалари, форматлари ва раҳбариятга ҳисоботни тақдим этиш усуллари;

б) ҳужжатларга қўйиладиган талаблар;

с) ёзувлар юритишга қўйиладиган талаблар.

АХБТни ҳужжатлаштириш раҳбарият томонидан қабул қилинадиган қарор ёзувларини ўз ичига олиши; раҳбарият қарорларини ва сиёсатлар талабларини бажариш бўйича фаолиятнинг кузатилишини, шунингдек ёзилган натижаларнинг акс этишини таъминлаши керак.

АХБТ ҳужжатларида бошқарув воситалари рискларни аниқлаш ва қайта ишлаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда танланганлигига ва АХБТ

сийёсати ва мақсадлари билан бир қаторда ушбу жараёнлар ҳам жорий этилганлигига далиллар келтирилган бўлиши керак.

Натижалар ва жараёнларнинг қайта акс этирилишини таъминлаш учун ҳужжатлар зарур. Танланган бошқарув воситалари учун жараёнларни белгилаш ва ҳужжатлаштиришда ҳужжатларнинг долзарб қисмига жавобгар шахсни кўрсатиш керак.

АХБТ ҳужжатларининг таркиби O‘z DSt ISO/IEC 27001нинг 4.3.1-бандида берилган.

АХБТ ҳужжатларининг бошқарувини амалга ошириш ва зарур бўлганда, улардан ходимларнинг эркин фойдаланишларини таъминлаш зарур. Бу фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) АХБТ ҳужжатларини маъмурий бошқариш жараёнларини белгилаш;

б) ҳужжатларни нашр этишдан аввал уларни лозим даражада тасдиқлаш;

с) киритилган ўзгартишлар ва ҳужжатлар жорий мақомининг идентификация қилинишини таъминлаш;

д) ташкилотнинг ахборот активларини муҳофаза қилиш ва бошқариш каби ҳужжатларни худди шу тарзда муҳофаза қилиш ва бошқариш.

Фойдаланилаётган ҳужжатларнинг тегишли версияларидан уларни қўллаш жойларида ҳамма фойдаланиши муҳим, чунки ҳужжатлар қулай ўқиладиган ва осон идентификацияланадиган бўлиши керак, уларни узатиш, сақлаш ва охир оқибатда йўқ қилиш уларнинг конфиденциаллик даражаларига қўлланиладиган процедураларга мувофиқ амалга оширилади.

Бундан ташқари, ташқаридан келувчи ҳужжатларни идентификациялашни таъминлаш, тарқатиладиган ҳужжатларни назорат қилиш, эскирган ҳужжатларни бехосдан ишлатишнинг олдини олиш, бирон-бир мақсадда уларни кейинчалик сақлаш, уларни тегишли тарзда кузатишни амалга ошириш зарур.

O‘z DSt ISO/IEC 27001 талабларига мувофиқ гувоҳномаларни тақдим этиш ва ташкилотда АХБТ операциялари самарадорлигини намойиш этиш учун ишчи ҳолатда туриш ва ёзувлар назоратга олиниши керак.

Шунингдек, «режалаштириш – амалга ошириш – текшириш – амал қилиш» моделининг барча фазаларини бажариш давомида ёзувларни, шунингдек ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ходисалари тўғрисида ёзувларни, ходимларни ўқитиш, тренинглари, кўникмалари, тажрибаси ва малакаси тўғрисида ёзувларни, АХБТнинг ички аудити натижалари тўғрисида ёзувларни, тузатувчи ва профилактик хатти-ҳаракатлар тўғрисида ёзувларни ва ташкилот ёзувларини сақлаш зарур.

Ёзувларни бошқаришда қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

а) маълумотларни идентификациялаш, сақлаш, муҳофаза қилиш, излаш ва йўқ қилиш учун зарур бўлган бошқарув воситаларини ҳужжатлаштириш ва ёзувларни сақлаш муддатларини ҳужжатлаштириш;

б) тезкор бошқарув жараёнларида нимани ва қай даражада батафсил ёзишни аниқлаш;

с) агар бирон бир сақлаш муддати ҳуқуқий нормалар ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлса, у ҳолда ёзувларнинг сақланиш муддати ушбу қонун ҳужжатлари талабларига мос келиши керак.

#### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) АХБТ ёзувлари ва ҳужжатларини бошқариш бўйича талабларни ўз ичига олувчи ҳужжат;
- б) АХБТ тегишли ёзувларининг репозиторилари ва шаблонлари.

#### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

### **9.2.3 Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш**

#### **Фаолият**

Раҳбарият ва маъмуриятнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стратегик мақсадларини АХБТ ишлашига нисбатан ҳужжатлаштириш.

#### **Кириш маълумотлари**

- а) 5.2 «АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - умумлаштирилган мақсадлар ва талаблар рўйхати;
- б) 5.4 «Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсати;
- с) 6.5 фаолият чиқиш маълумотлари «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- д) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- е) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- ф) 7.3 «АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- г) 7.4 «Ахборот хавфсизлигини баҳолаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- ҳ) 8.2 «Рискларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - рискларни аниқлаш натижалари, 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- и) 9.2.1 «Ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг якуний структурасини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- ј) 9.2.2 «АХБТ ҳужжатлари структурасини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- к) O'z DSt ISO/IEC 27002 5.1.1.

### **Тавсиялар**

Ахборот хавфсизлиги сиёсатида ташкилотнинг стратегик мақсадлари бутун ташкилот ахборот хавфсизлигига нисбатан ҳужжатлаштирилади.

Сиёсат ахборот ва билимлар асосида ишлаб чиқилади. Аввал ўтказилган таҳлил даврида раҳбарият томонидан аниқланган омилларнинг муҳимлиги равшан бўлиши керак ва ташкилот ходимларини ахборот хавфсизлиги соҳасида рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун уларга нисбатан сиёсатда алоҳида эътибор қаратилиши керак. Сиёсатни бузиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш муҳим. Кўриб чиқиладиган ташкилотга дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини ҳам таъкидлаш керак.

Ахборот хавфсизлиги сиёсатига мисолларни маълумотнома адабиётлардан, Интернет тармоғидан, манфаатлар бўйича ассоциациялар ва тармоқ ассоциацияларидан топиш мумкин. Формулировка ва иборалар йиллик ҳисоботлардан, бошқа сиёсат ҳужжатлари ёки раҳбарият томонидан тасдиқланган бошқа ҳужжатлардан ўзлаштирилиши мумкин.

Сиёсатнинг ҳақиқатдаги ҳажмига нисбатан турли изоҳлар ва талаблар бўлиши мумкин. Сиёсат имкони борича қисқа, ҳаммабоп ва ташкилот ходимларига тушанарли бўлиши керак. Бундан ташқари, сиёсатда ташкилот йўриқномалари ва мақсадларини бажариш учун зарур бўлган мақсадлар етарли даражада тўлиқ кўриб чиқилган бўлиши керак.

Ахборот хавфсизлиги сиёсатининг ҳажми ва структураси кейинги босқичда – D иловага мувофиқ АХБТни жорий қилиш жараёнида ишлатиладиган ҳужжатлар билан тўлдирилиши керак.

Мураккаб структурага эга бўлган катта ташкилотлар (масалан, турли соҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар) учун умумий сиёсатни ва аниқ фаолият турлари учун янада паст даражадаги кўплаб сиёсатларни ишлаб чиқиш зарур бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ҳужжатлаштириш бўйича тавсиялар O‘z DSt ISO/IEC 27002нинг 5.1.1-бандида келтирилган.

Таклиф этилган сиёсат (версия рақами ва санаси билан) қайта текширилиши ва ташкилотнинг тегишли мансабдор шахси билан келишилиши керак. Ахборот хавфсизлиги сиёсати ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими ёки шунга ўхшаш бўлинма билан келишилгач, тегишли мансабдор шахс уни тасдиқлайди. Кейин ахборот хавфсизлиги сиёсати ташкилотнинг барча ходимларига ҳаммабоп ва тушунарли шаклда етказилади.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижаси бўлиб ахборот хавфсизлиги сиёсатининг ҳужжатлаштирилиши ҳисобланади.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот қуйидаги иловаларда келтирилган:

- В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасида вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш»;
- Д илова «Сиёсатлар структураси».

#### **9.2.4 Ахборот хавфсизлиги стандартлари ва процедураларини ишлаб чиқиш**

##### **Фаолият**

Бутун ташкилот ёки унинг айрим бўлинмалари учун ахборот хавфсизлиги стандартлари ва процедураларини ишлаб чиқиш.

##### **Кириш маълумотлари**

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- с) 8.2 «Рискларни аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- д) 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- е) 8.4 «АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари – қўлланишлиги тўғрисида ариза, шу жумладан бошқарув мақсадлари ва танланган воситалари;
- ф) 9.2.1 «Ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг якуний структурасини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- г) 9.2.2 «АХБТ ҳужжатлари структурасини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- ҳ) 9.2.3 «Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- и) O‘z DSt ISO/IEC 27002.

##### **Тавсиялар**

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ишларни билиши мумкин бўлган ташкилотнинг мансабдор шахслари бу ишларни асослаш учун ахборот хавфсизлиги стандартларидан, шунингдек ташкилотда қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари комплектидан фойдаланишлари мумкин.

Стандарт ва процедураларни ишлаб чиқиш жараёнида ташкилотнинг АХБТ амал қилиш соҳасига тушувчи турли бўлинмаларининг вакиллари иштирок этишлари керак. Ушбу жараён иштирокчилари тегишли ваколатларга эга бўлишлари керак ва ташкилот вакиллари бўлишлари мумкин. Масалан, қуйидаги вазифалар киритилган бўлиши мумкин:

- а) ахборот хавфсизлиги маъмурлари;
- б) физик хавфсизликни таъминловчи бўлинмалар вакиллари;
- с) ахборот тизимлари эгалари;

d) стратегик ва эксплуатацион бўлинмалар жараёнлари эгалари.

Бу кам сонли аъзолар билан ишчи гуруҳни яратиш имконини беради, бу гуруҳга (зарур бўлганда) вақтинча мутахассисларни жалб қилиш мумкин. Ҳар бир вакил узлуксиз тезкор қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун ташкилотдаги ўз бўлинмаси билан фаол алоқани қўллаб-қувватлаши керак. Бу оқибатда кейинчалик процедуралар ва дастурларни тезкор даражада яхшилашни осонлаштиради.

Кейинчалик хавфсизлик стандартлари ва процедуралари батафсил техник ёки тезкор процедураларни лойиҳалаш учун асос сифатида фойдаланилиши керак.

Ахборот хавфсизлиги стандартлари ва процедураларини ишлаб чиқишнинг самарали усули O‘z DSt ISO/IEC 27001 ва O‘z DSt ISO/IEC 27002 да келтирилган тавсияларнинг ҳар бир бандини кўриб чиқиш ва ушбу бандни қўллашни аниқ тавсифлашдан иборат, бу усул қўллаб бўладиган (рисklarни аниқлаш натижалари бўйича) ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигининг барча мавжуд стандартлари ва процедуралари вақти-вақти билан экспертиза қилиниши керак. Масалан, уларга ўзгартишлар киритиш ва қайта кўриб чиқиш ёки уларни тўлиқ алмаштириш зарур бўлганда.

АХБТ амал қилиш соҳасида бўлган ҳар бир ходимга тегишли ҳужжатларнинг энг охириги версиялари тақдим этилиши керак. Ахборот хавфсизлиги стандартлари ва процедуралари бутун ташкилотга қўлланилиши ёки қайси вазифа, тизим ва бўлинмаларга тааллуқли бўлишлари тўғрисида изоҳлардан иборат бўлиши керак. Биринчи версия ўз вақтида чиқарилиши керак.

Экспертиза ва қайта кўриб чиқиш жараёнлари дастлабки босқичда аниқланиши керак. Кейинчалик сиёсатни ўзгартириш тўғрисидаги ахборот қай тарзда тарқатилиши кўзда тутилиши керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) АХБТ лойиҳаси якуний режасининг бир қисми ҳисобланган, ташкилот хавфсизлигини бошқариш воситаларини жорий қилишнинг структураланган ва батафсил текширилган режаси, шу жумладан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартлар комплектининг ҳужжатлаштирилган структураси;

б) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартлар, шу жумладан ташкилотнинг дастлабки маълумотлари;

с) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартлар талабларини бажариш учун зарур булган ахборот хавфсизлиги процедуралари.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот D илова «Сиёсатлар структураси»да келтирилган.

### 9.3 АКТнинг ахборот ва физик хавфсизлигини таъминлаш

#### Фаолият

АКТ ва унинг атроф-муҳитидаги физик хавфсизлик учун бошқарув воситаларини ишлаб чиқиш.

#### Кириш маълумотлари

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- с) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- д) 7.3 «АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификациялаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- е) 7.4 «Ахборот хавфсизлигини баҳолаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- ф) 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- г) 8.4 «АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари – қўлланишлик тўғрисидаги ариза, шу жумладан бошқарув мақсадлари ва танланган воситалари;
- h) O‘z DSt ISO/IEC 27002.

#### Тавсиялар

Бу фаолиятда АХБТ лойиҳаси режасининг қисми бўлиши керак бўлган ҳар бир бошқарув воситаси учун қуйидаги ахборот ҳужжатлаштирилиши керак:

- а) бошқарув воситасини жорий қилишга жавобгар шахс;
- б) бошқарув воситасини жорий қилишнинг устувор вазифаси;
- с) бошқарув воситаларини жорий қилиш бўйича фаолият вазифалари ёки турлари;
- д) бошқарув воситаларини жорий қилиш муддатлари;
- е) бошқарув воситаларини жорий қилиш тугагандан сўнг ҳисобот тақдим этиладиган шахс;
- ф) бошқарув воситаларини жорий қилиш учун зарур бўлган ресурслар (ходимлар сони, ресурсларга бўлган эҳтиёж, жойлаштириш бўйича талаблар, харажатлар).

АКТнинг дастлабки хавфсизлиги ва физик хавфсизлик концептуал асосда ишлаб чиқирилиши керак. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинishi керак.

Жорий қилиш инициацияси жараёнига жавобгарлик одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) бошқарув мақсадларининг келажакда режалаштириладиган ҳолат тавсифи билан спецификацияси;

- b) ресурсларни тақсимлаш (ишлар ҳажми, молиявий ресурслар);
- c) бошқарув воситаларини жорий қилиш муддатлари;
- d) АКТ хавфсизлиги, физик хавфсизлик ва ташкилот хавфсизлигининг интеграциялашув вариантлари.

Концепция ишлаб чиқилишини тугаллаш бўйича реал лойиҳани ишлаб чиқиш керак, масалан, замонавий тенденциялар ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда ташкилот учун тизим ишлаб чиқиш. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак.

Ҳақиқатда жорий қилиш жараёнига жавобгарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

a) АКТ учун танланган бошқарув воситаларининг ҳар бири, иш жойининг операцион даражасидаги физик ва ташкилий соҳалар учун ишлаб чиқиш;

b) келишилган лойиҳага мувофиқ ҳар бир бошқарув воситасини ўрнатиш;

c) ходимларнинг малакасини ошириш курслари ва тренинглари учун методикалар ва хавфсизликни бошқариш воситалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

d) иш жойида ёрдамчи воситаларни тақдим этиш ва бошқарув воситаларини жорий қилиш.

Жорий этиш жараёнининг бошланғич ва якуний қисмлари ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш ҳар доим ҳам ўринли ва зарур бўлавермайди, бу бошқарув воситалари турига боғлиқ (АКТ, физик ёки ташкилий).

Бошқарув воситаларини жорий қилишда кўпинча ташкилот доирасидаги бир қанча турли вазифаларни биргаликда олиб бориш зарур. Масалан, тизим маъмурлари техник воситаларни сотиб олишлари, ўрнатишлари ва эксплуатация қилишлари керак. Бошқа вазифалар тизимларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш учун тўғри келади.

Ахборот хавфсизлиги бутун ташкилотнинг процедуралари ва жараёнларига интеграцияланиши керак. Агар ташкилотнинг айрим бўлинмалари ёки учинчи томон учун бошқарув воситаларини жорий қилиш қийинчилик туғдирса, унда тегишли томонлар бу ҳақда зудлик билан хабар беришлари керак, чунки ушбу муаммони биргаликда ҳал этиш мумкин бўлсин. Ана шундай турдаги муаммони ҳал этиш процедуралар ва жараёнларни ўзгариштириш, вазифалар ва жавобгарликни қайта тақсимлаш, шунингдек техник процедуралар мослашувидан иборат.

Қуйидагилар АХБТ бошқарув воситаларини жорий қилиш натижалари бўлиши керак:

a) бошқарув воситаларини жорий қилиш батафсил тавсифланган жорий қилиш режаси, масалан, жорий қилиш графиги, гуруҳи таркиби ва ҳ.к;

b) жорий қилиш натижаларининг ёзуви ва уларни ҳужжатлаштириш.



### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси бўлиб, АХБТ лойиҳаси режасининг қисми ҳисобланган ҳамда ҳар бир бошқарув воситаси учун қуйидагиларни ўз ичига оладиган АКТ ва физик хавфсизлик учун бошқарув воситаларини жорий қилишнинг структураланган ва батафсил текширилган режаси ҳисобланади:

- a) батафсил тавсиф;
- b) ишлаб чиқиш ва жорий этишга жавобгар шахслар рўйхати;
- c) кутилаётган муддатлар;
- d) киритилган вазифалар;
- e) талаб этиладиган ресурслар;
- f) эгалик (субординация).

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **9.4 Муайян АХБТ ахборот хавфсизлигини таъминлаш**

### **9.4.1 Раҳбарият томонидан таҳлил қилиш режаси**

#### **Фаолият**

АХБТ ишлашини раҳбарият иштирокида таҳлил қилиш режасини ишлаб чиқиш, бунинг натижалари АХБТнинг узлуксиз яхшиланишига ёрдам беради.

#### **Кириш маълумотлари**

- a) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- b) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- c) 8.4 «АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари – қўлланишлик тўғрисида ариза, шу жумладан бошқарув мақсадлари ва танланган воситалари;
- d) 9.2.3 «Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;
- e) O‘z DSt ISO/IEC 27004.

#### **Тавсиялар**

Раҳбарият томонидан АХБТ ишлашини таҳлил этишни унинг спецификацияси ва иқтисодий асосини ишлаб чиқишнинг энг эрта бошланган босқичларидан бошлаб, кейинчалик эса – ўрнатилган вақт оралиғида даврий амалга ошириш керак. Раҳбариятнинг бевосита иштирок этиши АХБТнинг бизнес эҳтиёжларига мувофиқлигини тасдиқлаш ва АХБТга нисбатан бизнес мажбуриятларини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Раҳбарият томонидан таҳлил қилишни режалаштириш уни ўтказиш муддатларини белгилашни ва усулларини ўз ичигв олиши керак. Раҳбарият томонидан таҳлил ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар тўғрисидаги ахборот O‘z DSt ISO/IEC 27001 нинг 7.2-бандида келтирилган.

Таҳлил қилиш режалаштирилганда унда иштирок этиши керак бўлган барча вазифалар аниқланган бўлиши керак. Танланган вазифалар раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши ва иложи борича эртароқ бундан хабардор бўлишлари керак. Раҳбариятга таҳлил қилиш жараёнининг зарурлиги ва мақсадларига нисбатан зарур маълумотларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. (Батафсил ахборот В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш»да келтирилган.)

Раҳбарият томонидан ўтказиладиган таҳлил АХБТни ўлчаш натижалари ва АХБТ ишлаши вақти давомида тўпланган бошқа ахборотга асосланган бўлиши керак. Бу ахборот АХБТни бошқариш фаолиятида АХБТнинг тўлиқлик ва самарадорлик даражасини аниқлаш учун ишлатилади. АХБТни таҳлил қилиш учун зарур кириш ва чиқиш маълумотлари O‘z DSt ISO/IEC 27001да келтирилган, АХБТни ўлчашларга нисбатан қўшимча ахборот эса Е илова ва O‘z DSt ISO/IEC 27004 да келтирилган.

Бу таҳлил рискларни аниқлаш методологияси ва натижалари таҳлилини ўз ичига олиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Таҳлил режалаштирилган муддатларда муҳитдаги ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши керак, масалан, ташкилот структураси ва технологиялар ўзгариши.

АХБТ жорий қилинганидан кейин уни мунтазам баҳолаш имкониятига эга бўлиш учун ички аудит ўтказиш режаси тузиб чиқилади. Раҳбарият томонидан таҳлил қилиш учун муҳим дастлабки маълумотлар бўлиб АХБТ ички аудитининг натижалари ҳисобланади. Шундай қилиб, раҳбарият томонидан таҳлил ўтказилишидан аввал АХБТ ички аудитини ўтказиш режалаштирилган бўлиши керак. АХБТнинг ички аудити бошқарув мақсадлари самарадорлигини, АХБТ жараёнлари ёки процедураларини, шунингдек жорий этилган ва эксплуатация қилинаётган бошқарув воситаларини ва уларнинг қуйидагиларга мувофиқлигини текширишни ўз ичига олиши керак:

- а) O‘z DSt ISO/IEC 27001 талаблари;
- б) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари;
- с) ахборот хавфсизлигининг маълум талаблари.

(Аудитни режалаштиришга нисбатан қўшимча ахборот С иловада келтирилган.)

АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш тўғрисидаги тўпланган ахборотнинг мавжудлиги раҳбарият томонидан ўтказиладиган таҳлил учун зарурий шартдир. Раҳбарият томонидан таҳлил ўтказувчи

гуруҳга тақдим этилган ахборотга қуйидагилар киритилган бўлиши мумкин:

- а) эксплуатация қилишнинг охири даври давомида инцидентлар тўғрисида ҳисобот;
- б) бошқарувнинг самарадорлигини тасдиқлаш ва аниқланган номувофиқликлар;
- с) аввалги аудитлар ва таҳлиллар натижалари (янада батафсил, агар сиёсат талабларига номувофиқлик аниқланган бўлса);
- д) АХБТни яхшилаш бўйича тавсиялар.

Мониторинг режасида қайд этилиши ва раҳбариятга маълум қилиниши керак бўлган мониторинг натижаларини ҳужжатлаштириш кўзда тутилган бўлиши керак (мониторингга нисбатан қўшимча ахборот Е иловада келтирилган).

#### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижаси бўлиб ташкилот учун раҳбарият томонидан таҳлил ўтказишга зарур бўлган режадан иборат ҳужжат ҳисобланади, унда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- а) раҳбарият томонидан таҳлил ўтказиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар;
- б) раҳбарият томонидан таҳлил ўтказишда бажариладиган, аудит, мониторинг ва ўлчаш аспектларини қамраб олган процедуралар.

#### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот қуйидаги иловаларда келтирилган:

- В илова «Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш»;
- С илова «Ички аудит»;
- Е илова «Мониторинг ва ўлчашлар».

### **9.4.2 Ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинглари дастурларини ишлаб чиқиш**

#### **Фаолият**

Ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилот ходимлари учун хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинглари дастурини ишлаб чиқиш.

#### **Кириш маълумотлари**

- а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият руҳсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;
- с) 7.2 «АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - ташкилот ходимларини ахборот хавфсизлиги соҳасида ўқитиш ва тренинглари талаблари қисмида;

d) 8.4 «АХБТни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш учун раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари – қўлланишлик тўғрисида ариза, шу жумладан бошқарув мақсадлари ва танланган воситалари;

e) 8.3 «Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш» фаолият чиқиш маълумотлари - рискларни қайта ишлаш режаси;

f) 9.2.3 «Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш» фаолият чиқиш маълумотлари;

g) 9.2.4 «Ахборот хавфсизлиги стандартлари ва процедураларини ишлаб» фаолият чиқиш маълумотлари;

h) ташкилот ходимларини ўқитиш ва тренинглар умумий дастурини таҳлил қилиш.

### **Тавсиялар**

Ўқитиш ва тренингларни ташкил этиш учун раҳбарият жавобгардир, бу барча ходимларнинг аниқ маълум бўлган вазифалари билан тегишли операцияларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлишларига ёрдам беради. Ўтказиладиган ўқитиш ва тренингларнинг мазмуни барча ходимларга улар жалб қилинган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятнинг аҳамияти ва муҳимлигини ҳамда улар қай тарзда АХБТ мақсадларига эришиш учун ёрдам беришлари мумкинлигини англаб етишлари ва тушунишларига ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Бу босқичда АХБТ амал қилиш соҳаси доирасидаги ҳар бир хизматчи ахборот хавфсизлиги соҳасида зарур бўлган тренинглardan ўтиши ва/ёки ўқишини таъминлаш жуда муҳим. Катта ташкилотларда, одатда, бир хил мазмундаги тренинглар материалига эга бўлишнинг ўзи етарли бўлмайди, чунки у фақат аниқ иш турлари учун муҳим бўлган жуда кўп маълумотлардан иборат ва шундай қилиб, қабул қилиш учун катта, мураккаб ва қийин бўлади. Бундай ҳолларда, одатда, барча асосий вазифаларга мўлжалланган тренинглар учун материалларнинг турли тўпламларига эга бўлиш керак, масалан, офис хизматчилари, АТ-ходимлар ёки шу ходимларнинг аниқ эҳтиёжларига мослашган операторлар учун.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинглар дастурида ўтказиладиган ўқитиш ва тренинглар тўғрисидаги ёзувларни юритиш кўзда тутилган бўлиши керак. Бу ёзувлар мунтазам равишда кўздан кечирилиши керак, бу барча ходимларнинг зарур бўлган тренинглardan ўтганлиги кафолати бўлади. Ушбу жараёнга жавобгар бўлган мансабдор шахсни тайинлаш зарур.

Ахборот хавфсизлиги бўйича тренинглар материаллари ташкилотда фойдаланиладиган бошқа тренинглар материаллари билан, айниқса ахборот тизимларидан фойдаланувчиларни тайёрлаш курслари материаллари билан ўзаро боғлиқликда ишлаб чиқилиши керак. Ахборот хавфсизлигининг муҳим аспекти бўйича тренинглар АТ фойдаланувчилари учун барча курсларга киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ахборот хавфсизлиги бўйича тренинглар материалларидаги мақсадли аудиторияга боғлиқ ҳолда, камида, қуйидаги мавзулар кўриб чиқилган бўлиши керак:

- a) ахборот хавфсизлигининг рисклари ва таҳдидлари;
- b) ахборот хавфсизлиги соҳасидаги асосий атамалар;
- c) хавфсизлик инцидентининг аниқ аниқлаш: уни аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш ва ҳисобот бўйича тавсиялар;
- d) ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги сиёсати, стандартлари ва процедуралари;
- e) ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жавобгарлиги ва ҳисоботни тақдим этиш усуллари;
- f) ахборот хавфсизлигини яхшилаш бўйича тавсиялар;
- g) ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ҳисоботи бўйича тавсиялар;
- h) қўшимча ахборот олиш манбалари.

Ахборот хавфсизлиги бўйича тренинглар ўтказиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга кодир бўлган гуруҳ аниқланган бўлиши керак:

- a) тренинглар ёзувларини тузиш ва бошқариш;
- b) тренинглар материалларини тузиш ва бошқариш;
- c) тренинглар ўтказиш.

Бу вазифалар тренингларни ўтказувчи ходимлар ўртасида тақсимланган бўлиши мумкин. Лекин ушбу ходимлар уларни самарали ва аниқ тасаввур этилишини таъминлаш учун ахборот хавфсизлиги концепцияларига нисбатан фундаментал тренинг ўтказишни талаб қилишлари мумкин.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинглар дастури тренинг материаллари мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши ва тузатишлар киритилишини кафолатловчи процедурани ўз ичига олиши керак. Тренинг материалларини қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритишга жавобгар бўлган мансабдор шахсни тайинлаш керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолиятнинг натижалари қуйидагилардир:

- a) ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинг материаллари;
- b) ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш;
- c) ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорликни ошириш, ўқитиш ва тренинг режалари;
- d) ахборот хавфсизлиги соҳасида ходимларнинг хабардорлигини ошириш, ўқитиш ва тренинглар натижаларини кўрсатувчи жорий ёзувлар.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

## **9.5 АХБТ лойиҳасининг якуний режасини ишлаб чиқиш**

### **Фаолият**

Танланган бошқарув воситаларини жорий қилиш учун зарур бўлган фаолият турларини ўз ичига олувчи АХБТ лойиҳасининг якуний режасини ишлаб чиқиш.

### **Кириш маълумотлари**

а) 6.5 «АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш» фаолият чиқиш маълумотлари – АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегаралари;

б) 6.6 «АХБТ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш» фаолият чиқиш маълумотлари - АХБТ сиёсати;

с) 9.2 «Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

д) 9.3 «АКТнинг ахборот хавфсизлиги ва физик хавфсизликни таъминлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

е) 9.4 «Муайян АХБТнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш» фаолият чиқиш маълумотлари;

ф) O'z DSt ISO/IEC 27002.

### **Тавсиялар**

Танланган бошқарув воситаларини жорий этиш ва АХБТ билан боғлиқ бошқа фаолият турларини бажариш учун зарур бўлган фаолият турлари АХБТнинг якуний лойиҳаси қисми сифатида жорий этишнинг батафсил режаси кўринишида расмийлаштирилган бўлиши керак. Жорий этишнинг батафсил режаси жорий этишга таклиф этилаётган инструментал воситалар ва усуллар тавсифи билан тўлдирилиши ҳам мумкин. Ташкилотнинг АХБТ лойиҳасида кўплаб турли вазифалар юзага келиши назарда тутилади, шу сабабдан тегишли фаолият турлари жавобгар томонлар ўртасида аниқ тақсимланган бўлиши ва лойиҳанинг бошланғич фазаларида жорий этиш режаси билан ташкилотнинг барча тегишли ходимлари таништирилиши муҳим.

Ниҳоят жуда муҳим фурсат: лойиҳага жавобгар шахс лойиҳани жорий қилиш учун етарли ресурсларнинг ажратилишини таъминлаши керак.

### **Чиқиш маълумотлари**

Ушбу фаолият натижаси бўлиб АХБТни жорий қилиш лойиҳасининг якуний режаси ҳисобланади.

### **Қўшимча ахборот**

Қўшимча ахборот мавжуд эмас.

**А илова**  
(маълумот учун)

**Назорат жадвали**

Мақсад:

- АХБТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун зарур бўлган фаолият тавсифидан иборат назорат жадвалини тақдим этиш;
- АХБТ жорий этилишининг бориши мониторингини ташкил қилиш;
- АХБТни жорий этиш бўйича фаолиятнинг О‘з DSt ISO/IEC 27001 тегишли талаблари билан ўзаро боғлиқлигини белгилаш.

Назорат жадвали А.1-жадвалда келтирилган.

А.1-жадвал

| О‘з DSt ISO/IEC 27003 жорий этиш босқичи          | Босқич рақами | Фаолият, О‘з DSt ISO/IEC 27003 га ҳавола                            | Дастлабки талаб | Чиқиш ҳужжатлари  | О‘з DSt ISO/IEC 27001 га ҳавола |
|---|---------------|---|-----------------|---|---------------------------------|
| 1   | 2             | 3   | 4               | 5   | 6                               |
| 5 АХБТни жорий этиш учун раҳбарият руҳсатини олиш | 1             | Ташкилотнинг бизнес-мақсадларини тўплаш                             | йўқ             | Ташкилот бизнес-мақсадлари рўйхати  | мавжуд эмас                     |
|   | 2             | Мавжуд бошқарув тизимларининг афзалликларини тушуниш                | йўқ             | Мавжуд бошқарув тизимларининг тавсифи   | мавжуд эмас                     |
|   | 3             | 5.2 АХБТни ишлаб чиқишда ташкилотнинг устувор вазифаларини белгилаш | 1, 2            | Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мақсадлар, устувор вазифалар ва АХБТга нисбатан ташкилот талабларининг қисқача баёни | мавжуд эмас                     |

## А.1-жадвалнинг давоми

| 1   | 2 | 3   | 4    | 5   | 6                        |
|---|---|---|------|---|--------------------------|
|   | 4 | Ташкилот учун қўлланиладиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартларини тўплаш | йўқ  | Ташкилот учун қўлланиладиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари рўйхати  | мавжуд эмас              |
|   | 5 | 5.3 АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасини аниқлаш  | 3, 4 | АХБТ амал қилишининг тахмин қилинадиган соҳасининг тавсифи (5.3.1)  | мавжуд эмас              |
|   |   |   |      | Вазифа ва жавобгарлигини аниқлаш (5.3.2)  | мавжуд эмас              |
|   | 6 | 5.4 Иқтисодий асос, лойиҳа режасини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш                             | 5    | Иқтисодий асос ва таклиф этилган лойиҳа режаси  | мавжуд эмас              |
|   | 7 | АХБТни жорий қилиш лойиҳасини инициация қилиш бўйича раҳбарият рухсати ва мажбуриятини олиш             | 6    | АХБТни жорий қилиш лойиҳасини инициация қилиш учун раҳбарият рухсати  | мавжуд эмас              |
| 6 АХБТ амал қилиш соҳаси, чегаралари ва сиёсатини аниқлаш | 8 | 6.2 Ташкилот фаолияти соҳаси ва чегараларини аниқлаш  | 7    | Ташкилот чегаралари тавсифи<br>Ташкилот функциялари ва структураси<br>Алмашинуви чегара орқали ўтувчи ахборот<br>АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ва доирадан ташқарида бизнес-жараёнлар ва ахборот активларига жавобгарлик | 4.2.1, санок а) (қисман) |



А.1-жадвалнинг давоми

| 1                                       | 2  | 3   | 4        | 5  | 6                              |
|---|----|---|----------|--|--------------------------------|
|   | 9  | 6.3 АКТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш             | 7        | АКТ чегараларини тавсифлаш<br>АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ва доирасидан ташқарида ахборот тизимлари ва телекоммуникация тармоқларини тавсифлаш  | 4.2.1, санок а) (қисман)       |
|   | 10 | 6.4 Амал қилиш соҳаси ва физик чегараларни аниқлаш            | 7        | АХБТнинг физик чегараларини тавсифлаш<br>АХБТ амал қилиш соҳасига нисбатан ташкилот ва унинг географик характеристикаларини тавсифлаш  | 4.2.1, санок а) (қисман)       |
|   | 11 | 6.5 АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларини аниқлаш            | 8, 9, 10 | АХБТ амал қилиш соҳаси ва чегараларининг тавсифини ўз ичига олган ҳужжат   | 4.2.1, санок а)                |
|   | 12 | 6.6 АХТБ сиёсатини ишлаб чиқиш ва раҳбарият рухсатини олиш    | 11       | АХБТнинг раҳбарият томонидан тасдиқланган сиёсати  | 4.2.1, санок б)                |
| 7 Ахборот хавфсизлиги талаблари таҳлили | 13 | 7.2 АХБТ жараёни учун ахборот хавфсизлиги талабларини аниқлаш | 12       | Асосий жараёнлар, функциялар, жойлашган ўринлар, ахборот тизимлари, телекоммуникация тармоқларининг рўйхати<br><br>Ахборотнинг конфиденциаллиги, ундан фойдаланиш қулайлиги ва яхлитлигига нисбатан ташкилот талаблари | мавжуд эмас<br><br>мавжуд эмас |

## А.1-жадвалнинг давоми

| 1 | 2  | 3   | 4  | 5  | 6  |
|---|----|---|----|--|--|
|   |    |   |    | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шартнома ва бизнес талабларидан олинган ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги талаблари.   | 4.2.1, санок с) 1 (қисман)                       |
|   |    |   |    | Барчага маълум бўлган заифликлар рўйхати   | 4.2.1, санок d) 3)                               |
|   | 14 | 7.3 АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида активларни идентификация қилиш | 13 | Ташкилот асосий жараёнларининг тавсифи<br>АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида ташкилот асосий жараёнларининг ахборот активларини идентификация қилиш<br>Критик жараён/активларнинг таснифи  | мавжуд эмас<br>4.2.1, санок d) 1)<br>мавжуд эмас |
|   | 15 | 7.4 Ахборот хавфсизлигини баҳолаш                                   | 14 | Ташкилот ахборот хавфсизлиги, шу жумладан ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг мавжуд воситалари реал ҳолатининг тавсифи ва баҳосидан иборат ташкилот ҳужжати<br>Аниқланган ва баҳоланган заифликлар тавсифини ўз ичига олган ташкилот ҳужжати | 4.2.1, санок e) 2) (қисман)                      |

А.1-жадвалнинг давоми

| 1   | 2  | 3  | 4  | 5  | 6   |
|---|----|--|----|--|---|
| 8 Рискларни аниқлаш ва рискларни қайта ишлаш вариантларини танлаш | 16 | 8.2 Рискларни аниқлаш  | 15 | Рискларни аниқлаш учун амал қилиш соҳаси<br>Ташкилот рискларини стратегик бошқариш контекстига мос келувчи рискларни аниқлашнинг тасдиқланган методологияси<br>Рискларни қабул қилиш мезонлари | 4.2.1, санок с) 1)                                    |
|   | 17 | 8.3 Бошқарув мақсадлари ва воситаларини танлаш                 | 16 | Юқори даражадаги рискларни ҳужжатлаштирилган ҳолда аниқлаш   | 4.2.1, санок е) 3) (қисман)                           |
|   |    |  |    | Рискларни қўшимча тарзда чуқурроқ аниқлашда заруратни аниқлаш<br>Рискларни ҳужжатлаштирилган ҳолда чуқурроқ аниқлаш<br>Рискларни аниқлашнинг умумлаштирилган натижалари                        | мавжуд эмас<br><br>4.2.1 е) 3) (санок)<br>мавжуд эмас |
|   | 18 | 8.4 АХБТни жорий қилиш ва ишлаши учун раҳбарият рухсатини олиш | 17 | Рисклар ва уларни қайта ишлашнинг белгиланган вариантлари<br>Рискларни қайта ишлаш учун бошқарувнинг танланган мақсадлари ва воситалари  | 4.2.1, санок f)<br><br>4.2.1, санок g)                |
|   | 19 | Раҳбарият томонидан қолдиқ рискларнинг қабул қилиниши          | 18 | Раҳбарият томонидан тақлиф этиладиган қолдиқ рискларнинг ҳужжатлаштирилган ҳолда қабул қилиниши (8.4 чиқиш билан бўлиши керак)   | 4.2.1, санок h)                                       |

## А.1-жадвалнинг давоми

| 1                    | 2  | 3   | 4  | 5   | 6   |
|----------------------|----|---|----|---|---|
|                      | 20 | АХБТни жорий қилиш ва ишлаши учун раҳбарият рухсати | 19 | АХБТни жорий қилиш ва ишлаши учун раҳбариятнинг ҳужжатлаштирилган рухсати (8.4 чиқиш маълумотлари билан бўлиши керак)   | 4.2.1, санок i)                               |
|                      | 21 | Қўлланишлик тўғрисида ариза тузиш                   | 18 | Қўлланишлик тўғрисида ариза   | 4.2.1, санок j)                               |
| 9 АХБТни ишлаб чиқиш | 22 | 9.2 Ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлаш        | 20 | Ташкилотнинг структураси, унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек вазифалар ва жавобгарлигини тавсифловчи ҳужжат   | 5.1, санок с)                                 |
|                      |    |   |    | АХБТ ҳужжатлари структураси<br>АХБТ ёзувлари шаблонлари ва улардан фойдаланиш ва сақлаш бўйича йўриқномалар<br>Ахборот хавфсизлигининг ҳужжатлаштирилган сиёсати<br><br>Ахборот хавфсизлиги сиёсатлари ва процедураларини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар (аниқ сиёсатлар, процедуралар ва бошқаларни ишлаб чиқишнинг илова қилинган режалари билан) | 4.3<br><br>O'z DSt<br>ISO/IEC 27002;<br>5.1.1 |

А.1-жадвалнинг охири

| 1 | 2  | 3  | 4      | 5   | 6   |
|---|----|--|--------|---|---|
|   | 23 | 9.3 АКТнинг ахборот ва физик хавфсизлигини таъминлаш | 20, 21 | АКТнинг ахборот ва физик хавфсизлигини бошқаришнинг танланган воситаларини жорий қилиш жараёнлари қисмида жорий қилиш лойиҳаси режалари   | 4.2.2, санок с) (қисман)                                    |
|   | 24 | 9.4 Аниқ АХБТнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш    | 22, 23 | Раҳбарият томонидан ҳисобот ва таҳлил жараёнларини тавсифловчи ҳужжатлаштирилган процедуралар   | 7.1   |
|   | 25 |  |        | Аудит, мониторинг ва ўлчаш процедураларининг тавсифи  | 4.2.3, санок а) (қисман);<br>4.2.3, санок б) (қисман);<br>6 |
|   | 26 |  |        | Тренинглар ва хабардорликни ошириш дастури  | 5.2.2   |
|   | 27 | 9.5 АХБТ лойиҳасининг охириги режасини ишлаб чиқиш   | 25     | Раҳбарият томонидан тасдиқланган жорий қилиш жараёнлари қисмида жорий қилиш лойиҳаси режаси   | мавжуд эмас   |
|   | 28 | АХБТ лойиҳасининг охириги режаси                     | 28     | Ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги, АКТнинг ахборот ва физик хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек О'z DSt ISO/IEC 27003га мувофиқ фаолият натижасида олинган ўзига хос талабларнинг бажарилишини кўзда тутовчи ташкилотнинг аниқ АХБТни жорий қилишнинг лойиҳа режаси | мавжуд эмас   |

**В илова**  
(маълумот учун)

**Ахборот хавфсизлиги соҳасида  
вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш**

Бу илова ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилотда вазифалар ва жавобгарликни тақсимлаш бўйича қўшимча тавсиялардан иборатдир. Қуйида ташкилотда АХБТни жорий қилишда зарур бўлган вазифалар келтирилган.

**В.1 Ахборот хавфсизлиги бўйича қўмита вазифаси**

Ахборот хавфсизлиги бўйича қўмита ташкилотнинг АХБТсида етакчи вазифасини бажариши керак. Ахборот хавфсизлиги бўйича қўмита ташкилот ахборот активларининг қайта ишланиши учун жавоб бериши ва зарур вазифаларни бошқариш, мониторинги ва тугаллаш учун зарур ахборот хавфсизлиги соҳасидаги асосий тегишли маълумотларга эга бўлиши керак.

Қуйида ахборот хавфсизлиги бўйича қўмитанинг эҳтимолий вазифаларига мисоллар келтирилган:

а) рискларни бошқаришни яқунлаш, АХБТ ҳужжатлари билан ишлар режасини шакллантириш, бу ҳужжатлар мазмунини аниқлаш учун жавобгарлик ва раҳбар розлигини олиш;

б) янги ускуна сотиб олишни режалаштириш ва/ёки ташкилот фойдаланаётган мавжуд ускунадан қайта фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) ҳар қандай юзага келувчи муаммоларни ҳал этиш;

д) АХБТни кейинчалик жорий этиш ва ўлчаш натижаларидан олиш мумкин бўлган яхшиланишларни кўриб чиқиш;

е) АХБТнинг стратегик бошқарувини амалга ошириш (лойиҳани амалга ошириш вақтида бўлгани каби, иш вақтида ҳам);

ф) лойиҳани жорий этиш юқори раҳбарияти, гуруҳи ва ахборот хавфсизлиги соҳасида ишлаётган ходимлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

**В.2 Ахборот хавфсизлигини режалаштириш гуруҳи вазифаси**

АХБТ лойиҳасини бажарувчи гуруҳ томонидан лойиҳани режалаштиришда ташкилотнинг АХБТ амал қилиш соҳаси доирасидаги муҳим ахборот активлари тўғрисида яхши хабардор бўлган ва бу ахборотни қайта ишлаш имкониятини кўриб чиқиш учун етарли билимларга эга бўлган ходимлари ҳам иштирок этишлари керак. Масалан, АХБТ амал қилиш соҳаси доирасидаги бўлинмалар орасида ахборот активларини қайта ишлаш масалалари бўйича турли фикрлар мавжуд бўлиши мумкин, шу сабабли режадаги ижобий ва салбий таъсирларга

тузатиш киритиш зарурати туғилиши мумкин. Лойиҳа гуруҳи бўлинмалар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишда координатор вазифасини бажариши зарур. Бунинг учун гуруҳ аъзолари иш вақтида орттирилган муомала қилиш кўникмаларига ва мувофиқлаштириш қобилиятига, шунингдек хавфсизлик соҳасида юқори билим даражасига эга бўлишлари керак.

### **В.3 Мутахассислар ва ташқи маслаҳатчилар**

АХБТни жорий қилишни бошлашдан аввал ташкилот юқорида келтирилган мажбуриятларни бажариш учун ходимларни танлаб олиши керак (бу ходимларга иложи борича фақат биттагина вазифа юклатилган бўлиши керак). Шу билан бирга бу ходимлар ахборот хавфсизлиги соҳасида, шунингдек «ахборот технологиялари», «бошқарув қарорлари» ва «ташкилот тушунчалари» каби соҳаларда кенг қамровли билимлар ва тажрибага эга бўлишлари керак.

Ташкилотда ушбу операцияларни бажариш учун жавобгар бўлган шахслар бу ўзига хос соҳаларни жуда яхши билишлари мумкин. Бу ташкилотнинг ўзига хос соҳаларида экспертлар ҳисобланган кўпгина мутахассислар АХБТни ишлаб чиқишга жалб қилинишлари керак, агар у ўзига хос соҳаларга дахлдор бўлса. Ташкилот мақсадларига эришиш учун бу мутахассисларнинг чуқур билимга эгаллиги ва кенг қамровли билимлари ўртасидаги мувозанатга риоя қилиш муҳим.

Ташқи маслаҳатчилар ташкилотда улар томонидан вазиятнинг объектив баҳоланишига ва уларнинг бошқа ўхшаш ҳолатларда иш тажрибаларига асосланган, ҳатто улар, одатда ташкилот спецификаси ва унинг иши тўғрисидаги батафсил ахборотга нисбатан чуқур билимларга эга бўлмасаларда, тавсиялар беришлари мумкин.


Юқоридаги мисолларда келтирилган, «ахборот хавфсизлиги бўйича кўмита» ва «ахборот хавфсизлигини режалаштириш гуруҳи» каби атамалардан фойдаланиш шарт эмас. Фақат ҳар бир структуранинг функцияси тушунарли бўлиши керак. Ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини мувофиқлаштириш, ахборот алмашилиши ва ҳар бир техник бўлинма билан ўзаро ҳамкорлик қилиши керак бўладиган ички структураларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

### **В.4 Ахборот активлари эгалари**

Ташкилотнинг ҳар бир жараёни ва ихтисослашган соҳаси учун ходим тайинланиши керак; бу ходим ахборот хавфсизлигининг ушбу аниқ жараён доирасидаги маълумотларни қайта ишлашга нисбатан барча масалалари бўйича «ахборот активи эгаси» деб номланади. Мурожаат қилинадиган шахс ёки жараён эгаси, масалан, улар мўлжалланган ташкилот жараёнлари доирасида вазифаларни бериш ва ахборотни қайта ишлашга жавобгар бўлади.

Рискларни тақсимлаш, чиқариб ташлаш ва ушлаб қолиш ҳолатларида хавфсизликнинг ташкилий аспектига мувофиқ зарур хатти-ҳаракатларни қўллаш керак. Рискларни узатиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, масалан, рискларга жавобгарлик уларга ўтувчи суғурта компанияси, ширкатлар ва қўшма корхоналар билан шартнома тузиш зарур бўлади.

В.1-расмда яратиладиган АХБТ ташкилий структурасининг мисоли кўрсатилган. Бу мисолда ташкилотдаги қуйида келтирилган асосий вазифалар ва жавобгарлик асосланган.



В.1-расм. Яратиладиган АХБТ ташкилий структурасининг мисоли



## Ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик

Барча жалб этилган томонлар ташкилот активларини муҳофаза қилиш бўйича мавжуд талабларни синчиклаб ўрганиб Чиқиш маълумотларини керак.

Ташкилот таҳлилини ўтказишда ташкилотни ҳамда у ишлайдиган муҳитни аъло даражада билувчи ходимлар иштирок этишлари керак. Бу ходимлар ташкилот вакилларининг кенг доирасидан, жумладан қуйидагилар орасидан танланиши керак:

- a) юқори раҳбарият (масалан, бош муҳандис ва молиявий директор);
- b) Ахборот хавфсизлиги бўйича қўмита аъзолари;
- c) Ахборот хавфсизлигини режалаштириш гуруҳи аъзолари;
- d) таркибий бўлинмалар раҳбарлари;
- e) жараён эгалари (яъни, муҳим ишлаб чиқариш участкалари вакиллари);
- f) мутахассислар ва ташқи маслаҳатчилар.

Ахборот хавфсизлиги – бутун ташкилотга таъсир кўрсатувчи кенг соҳадир. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жавобгарликни аниқ белгилаш ҳақиқатан АХБТни муваффақиятли жорий қилишнинг жуда муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ва жавобгарлик ўзгариши/фарқланиши мумкин, лекин турли вазифаларни тушуниш ушбу стандартда қуйида тавсифланган айрим фаолият турларини тушуниш учун асос бўлиб ҳисобланади. В.1-жадвалда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ва жавобгарликнинг ўзаро боғлиқлиги келтирилган. Таъкидлаш лозимки, В.1-жадвалда вазифаларнинг умумий тавсифи берилган, ҳар бир аниқ АХБТ учун эса аниқ тавсифлар зарур.

### В.1-жадвал. Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тахминий вазифалар ва жавобгарликлар рўйхати

| Вазифалар   | Жавобгарликнинг қисқача тавсифи   |
|---|---|
| Юқори раҳбарият (масалан, бош муҳандис, бош директор, ахборот хавфсизлиги хизмати бошлиғи, молиявий директор) | Ташкилотга раҳбарлик қилиш ва назорат бўйича фаолият концепцияси, стратегик қарорлар ва мувофиқлаштиришга жавобгар бўлади                 |
| Таркибий бўлинмалар раҳбарлари  | Ташкилот функцияларини бажариш учун катта жавобгарликка эгадирлар   |
| Ахборот хавфсизлиги бўйича директор   | Ахборот активларини қайта ишлашнинг тўғрилигини кафолатловчи ахборот хавфсизлигини таъминлашга умумий жавобгар бўлади ва раҳбарлик қилади |

## B.1-жадвалнинг давоми

| Вазифалар   | Жавобгарликнинг қисқача тавсифи  |
|---|--|
| Ахборот хавфсизлиги бўйича кўмита (аъзолар)         | Ахборот активларини қайта ишлайди ва ташкилот АХБТсида асосий вазифани бажаради  |
| Ахборот хавфсизлигини режалаштириш гуруҳи (аъзолар) | Фақат АХБТни жорий қилиш вақтида ишлайди. Режалаштириш гуруҳи барча бўлинмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва АХБТни жорий қилиш вақтида улар ўртасида юзага келувчи қарама-қаршиликларни ҳал этади   |
| Манфаатдор томонлар                                 | Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги бошқа вазифаларни тавсифлаш контекстида, ушбу стандартдаги «манфаатдор томонлар»нинг вазифалари биринчи навбатда ташкилотнинг нормал ишида иштирок этмайдиган шахслар/органлар каби, масалан идора, эгалар (эгаллик қилувчи ташкилотлар, агар ташкилот гуруҳ ёки давлат ташкилотининг бир қисми бўлса ва/ёки бевосита эгалар, масалан, хусусий компания акциядорлари) аниқланади. Манфаатдор томонларнинг бошқа мисоллари бўлиб, шуъба компаниялари, миждозлар, етказиб берувчилар ёки кўп сонли жамоат ташкилотлари, масалан, давлат молиявий назорати бўйича агентликлар ёки тегишли фонд биржаси, унинг иштирокчиси бўлиб ташкилот ҳисобланади |
| Тизим маъмури                                       | Ахборот тизимида жавобгар булади   |
| Ахборот технологиялари хизмати бошлиғи              | Барча ахборот технологиялари ресурсларини бошқаради (масалан, ахборот технологиялари бўлинмаси бошлиғи)  |
| Физик хавфсизлик                                    | Физик хавфсизликка жавобгар шахс, масалан, бинолар ва ш.к., кўпинча ташкилот инфратузилмасини бошқарувчи ёки умумий бўлим бошлиғи деб номланади  |
| Рискларни бошқариш                                  | Ташкилотда рискларни бошқаришга жавоб берувчи, шу жумладан рискларни баҳоловчи, қайта ишловчи ва мониторинг қилувчи шахс/шахслар   |
| Юрисконсулт   | Ахборот хавфсизлиги кўплаб рискларининг юридик аспектларини эътиборга олиш учун жавобгар бўлади  |
| Ходимлар бўлими                                     | Ходимлар учун тўлиқ жавобгар бўлувчи шахс/шахслар  |
| Архив   | Барча ташкилотлар узоқ вақт давомида сақлаш керак бўлган ҳаётий муҳим ахборотни ўз ичига олган архивларга эга бўладилар. Ахборот ҳар хил турдаги ташувчиларда бўлиши мумкин ва бу ахборот сақланишининг хавфсизлиги учун жавобгар бўлган алоҳида ходим ажратилган бўлиши керак.  |

## B.1-жадвалнинг охири

| Вазифалар   | Жавобгарликнинг қисқача тавсифи  |
|---|--|
| Шахсий маълумотлар  | Агар давлат қонунлари талаб қилинадиган бўлса, маълумотлар текширувини амалга оширувчи орган ёки шахсий маълумотлар яхлитлиги ва махфийлигини сақлаш масалалари билан шуғулланувчи шунга ўхшаш расмий ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилишга жавоб берувчи ходим тайинланиши мумкин  |
| Тизимларни ишлаб чиқувчи  | Ташкилотнинг ўз ахборот тизимлари ишлаб чиқилишига жавобгар шахс   |
| Мутахассис/эксперт  | АХБТга нисбатан айрим масалаларни ҳал қилишга жалб қилинадиган ташкилот фаолиятининг айрим соҳаларига жавобгар шахслар, агар бу масалалар уларнинг фаолият соҳаларига тегишли бўлса  |
| Ташқи маслаҳатчи  | Ушбу ташкилот ходимлари бўлмаган шахслар, улар ташкилотдаги вазиятни ўзлари томонидан объектив баҳолашга ва уларнинг иш тажрибасига асосланган тавсиялар беришлари мумкин. Бирок маслаҳатчилар одатда ташкилот ва унинг фаолияти тўғрисида чуқур билимларга эга бўлмайдилар  |
| Ходим/ходимлар/фойдаланувчи   | Ўз иш жойлари ва уларни ўраб турувчи муҳитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун тенг жавобгар бўладилар  |
| Аудитор   | АХБТни баҳолаш учун жавобгар шахс  |
| Ўқитувчи  | Хабардорликни ошириш ва тренинглар дастурини амалга оширувчи шахс  |
| Иш жойларида ахборот технологиялари ёки ахборот хавфсизлигига жавобгарлар | Йирик ташкилотнинг ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича иш жойларида жавобгар этиб тайинланган ходимлари  |
| Назорат қилувчи (таъсир этувчи шахс)                                      | Ҳақиқатда ҳеч қандай жавобгарлик вазифасига эга бўлмаган шахс, лекин катта ташкилотда бу шахс АХБТни жорий этиш босқичида катта ёрдам кўрсатиши мумкин, чунки у ушбу соҳада чуқур билимларга эга ва АХБТни жорий этишни тушуниш ва асослашда қўллаб-қувватлаши мумкин. Бу шахс АХБТни жорий этиш фикрига нисбатан ижобий таъсир кўрсатиши мумкин ва уни «маъмуриятнинг ваколатли вакили» деб аташ мумкин |

## **С илова** (маълумот учун)

### **Ички аудит**

Ушбу иловада аудитни режалаштириш бўйича қўшимча тавсиялар мавжуд.

АХБТ жорий этилгандан кейин муайян вақт оралиғида ички ва мустақил аудитлар воситасида унинг мунтазам баҳоланиши амалга оширилиши керак. Аудитларнинг мақсади кундалик амалиётдан олинган тажрибани тартибга солиш ва баҳолашдан иборатдир. Жорий этилган АХБТ учун аудит шакллари режалаштириш зарур.

АХБТ аудитидан олинган натижалар далиллар билан тасдиқланиши керак. Бинобарин, зарур далилларни йиғиш учун АХБТ ишлаши даврида баъзи тегишли вақт ажратилган бўлиши керак.

АХБТнинг ички аудити мунтазам ўтказилиши керак, уни ўтказиш вақтида АХБТни бошқариш мақсадлари ва воситалари, жараёнлари ва процедураларининг О‘з DSt ISO/IEC 27001 ва қонун ҳужжатлари ёки норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, уларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги маълум талабларга мос келиши ва келмаслиги, шунингдек уларни жорий қилиш ва эксплуатация қилиш самаралилиги текширилиши керак.

Бироқ, катта бўлмаган компаниялар учун АХБТнинг ички аудиторларини танлаш қийин бўлиши мумкин. Агар ходимлар орасида ички аудитни ўтказа оладиган тажрибали ходимлар бўлмаса, у ҳолда ташқаридан экспертларни жалб қилиш керак. Бундай ҳолларда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак: ташқи аудиторлар АХБТ ички аудиторларининг процедуралари билан яхши таниш бўлишлари; бироқ улар ташкилотнинг ички ва ташқи муҳити тўғрисида етарли билимларга эга бўлмайдилар. Бу ахборот уларга ташкилот ходимлари томонидан тақдим этилиши керак. Бошқа томондан, ички аудиторлар ташкилотнинг ички ва ташқи муҳити бўйича батафсил аудитларни ўтказишлари мумкин, лекин улар АХБТ аудитларини ўтказиш учун етарли билимларга эга эмаслар. Ташкилотлар АХБТ ички аудитларини бажаришда ички ҳамда ташқи аудиторларнинг характеристикалари ва потенциал камчиликларини ҳисобга олишлари керак.

Ички аудитларни ўтказишда О‘з DSt ISO/IEC 27004 га мувофиқ белгиланган бошқарув воситаларининг самарадорлиги ва натижалилиги текширилган бўлиши керак.

Шуниси муҳимки, ушбу аудитларда хавфсизлик мақсадларини режалаштириш ва ишлаб чиқиш билан шуғулланган шахслар қатнашмасликлари керак, шу сабабли уларга ўз шахсий хатоларини топиш қийин бўлади. Шундай қилиб, ташкилот раҳбарияти аудиторлар сифатида АХБТ ички аудитларининг амал қилиш соҳасига кирмайдиган бўлинмалар ва ходимларни жалб қилиши керак. Бу аудиторлар раҳбариятнинг тегишли

фармойишларига мувофиқ АХБТ ички аудитларини режалаштиришлари, ўтказишлари, ўтказилишини кузатишлари, уларнинг натижалари тўғрисида ҳисоботлар тузишлари керак. Катта бўлмаган ташкилотда бундай вазиятнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун, яъни ходимлар ўз шахсий ишларини бажара олмаган тақдирларида, ташқи аудиторларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АХБТнинг ички аудитини ўтказишда АХБТ самарали ишлаётгани ва лозим даражада эксплуатация қилинаётганлигини текшириш керак. Аудит дастурини режалаштиришда аудиторлар бошқарув мақсадлари ва воситаларининг ҳолати ва муҳимлигини, аудит қилиниши керак бўлган жараёнлар ва процедураларни, шунингдек аввалги аудитлар натижаларини эътиборга олишлари керак.

Аудит ўтказилишида аудитнинг мезонлари, тахминий амал қилиш соҳаси, такрорланиши ва усули ҳужжатлаштирилган бўлиши керак.

Танланган аудиторлар аудит жараёнининг объективлиги ва холислигини таъминлашлари керак. Аудит жараёнларининг сериясини ўтказиш учун аудиторлар қуйидаги соҳаларда етарли маълумотга эга бўлишлари зарур:

а) аудитни режалаштириш ва ўтказиш;

б) аудит натижалари бўйича ҳисобот;

с) тузатишлар киритувчи ва огоҳлантирувчи хатти-ҳаракатлар бўйича тавсиялар ва ш.к.

Бундан ташқари, ташкилотда аудиторлар жавобгарлиги ва аудит жараёнларининг серияси белгиланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши зарур.

Аудит жараёнига жавобгар раҳбар номувофиқликлар ва уларнинг сабаблари тегишли тарзда кечиктирилмасдан баратараф этилишини таъминлаши керак. Бироқ бу номувофиқликлар дарҳол бартараф этилиши кераклигини билдирмайди. Бундан ташқари, тузатишлар киритувчи хатти-ҳаракатларни бажариш уларнинг текшируви ва текширув натижалари бўйича ҳисоботдан иборат.

АХБТнинг ички аудити ташкилот ички аудитининг бошқа турларини ўтказиш билан бир вақтда ҳамда улардан алоҳида самарали бажарилиши мумкин. Аудит ўтказишда O‘z DSt ISO/IEC 27006 стандартидан фойдаланиш тавсия этилади.


**Д илова**  
(маълумот учун)

**Сиёсатлар структураси**

Ушбу илова сиёсатлар структураси бўйича қўшимча тавсиялардан, шу жумладан ахборот хавфсизлиги сиёсатларидан иборат.

Қоидага кўра, сиёсат – бу раҳбарият томонидан расмий ифодаланган умумий мақсад ва директиваларнинг ҳужжатли тасдиғидир. Сиёсат сиёсат предметига тегишли бўлган ҳаракатлар ва қарорларга нисбатан тавсияларни ўз ичига олади. Ташкилот ўзи учун муҳим деб билган ҳар бир фаолият соҳаси учун бир нечта сиёсатга эга бўлиши мумкин. Баъзи сиёсатлар бир бирига боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бошқа сиёсатлар каби иерархик ўзаро боғлиқ бўлади. Хавфсизлик соҳасидаги сиёсатлар, одатда иерархик асосда ташкил этилади. Одатда ташкилотнинг хавфсизлик сиёсати энг юқори даражадаги сиёсат ҳисобланади. У бир қанча аниқроқ сиёсатлар, шу жумладан ахборот хавфсизлиги сиёсати ва ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимининг сиёсати билан тўлдирилади. Ўз навбатида, ахборот хавфсизлиги сиёсати ахборот хавфсизлиги аспектларига нисбатан кўплаб янада батафсилроқ сиёсатлар билан тўлдирилиши мумкин. Ушбу сиёсатларнинг кўпчилиги O‘z DSt ISO/IEC 27002 да тавсифланган, масалан, ахборот хавфсизлиги сиёсати фойдалана олишни бошқариш сиёсати, «тоза стол» ва «тоза экран», тармоқ хизматларидан фойдаланиш ва криптографик бошқарув воситаларидан фойдаланиш сиёсатлари билан тўлдирилади. Айрим ҳолларда сиёсатларнинг қўшимча даражаларини қўшиш мумкин. Сиёсатларнинг ўзаро боғлиқлиги D.1-расмда берилган.


Ташкилотнинг O‘z DSt ISO/IEC 27001 ва O‘z DSt ISO/IEC 27002 стандартлари талабларига мувофиқ АХБТ сиёсатига ҳамда ахборот хавфсизлиги сиёсатига эга бўлиш зарур. Бироқ бу стандартларда ушбу сиёсатлар ўртасидаги бирон бир алоҳида ўзаро боғлиқлик аниқланмаган. АХБТ сиёсатига қўйиладиган талаблар O‘z DSt ISO/IEC 27001 нинг 4.2.1-бандида келтирилган. Ахборот хавфсизлиги сиёсатига нисбатан тавсиялар O‘z DSt ISO/IEC 27002 нинг 5.1.1-бандида келтирилган. Бу сиёсатлар мустақил сиёсатлар каби ишлаб чиқилиши мумкин ёки АХБТ сиёсати ахборот хавфсизлиги сиёсатига бўйсунуши ва аксинча бўлиши мумкин.



D.1-расм. Сиёсатлар иерархияси

Сиёсатларнинг мазмуни ташкилот фаолиятининг контекстига асосланади. Ҳар қандай сиёсатни ишлаб чиқишда унинг мазмунида куйидагилар акс эттирилиши керак (D.2-расм):

- 1) ташкилотнинг мақсадлари ва вазифалари;
- 2) бу мақсадларга эришиш стратегияси;
- 3) ташкилот структураси ва қўлланиладиган жараёнлар;
- 4) сиёсат предмети билан боғлиқ мақсадлар ва вазифалар;
- 5) юқорирок даражадаги сиёсатларнинг талаблари.



D.2-расм. Сиёсатларни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотлар

Сиёсатлар қуйидаги структурага эга бўлиши мумкин:

1) сиёсат аннотацияси – бир ёки иккита гапдан иборат бўлган сиёсатнинг қисқача тавсифи (баъзида кириш билан бирлаштирилиши мумкин);

2) кириш – сиёсат предметининг қисқача баёни;

3) амал қилиш соҳаси – сиёсат тегишли бўлган ташкилотнинг бўлинмалари ёки унинг фаолият турларининг тавсифи. Зарур бўлганда «Амал қилиш соҳаси» бўлимида ушбу сиёсат билан тўлдириладиган бошқа сиёсатларга ҳаволалар қилинади;

4) мақсадлар – сиёсат вазифаси тавсифи;

5) принциплар – мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатлар ва қарорларга нисбатан қоидаларнинг тавсифи. Айрим ҳолатларда сиёсат предмети билан боғлиқ бўлган асосий жараёнларни, кейин эса жараёнларни бажариш қоидаларини аниқлаб олиш фойдали бўлиши мумкин;

6) жавобгарлик – сиёсат талаблари бажарилишига жавобгарнинг тавсифи. Айрим ҳолатларда бу бўлим ташкилий структурани, шунингдек муайян вазифаларни бажарувчи шахсларнинг жавобгарлигини ўз ичига олиши мумкин;

7) асосий натижалар – мақсадларга эришишда ташкилот фаолияти натижаларининг тавсифи.

8) бошқа сиёсатлар билан ўзаро боғлиқлик – мақсадларга эришиш учун зарур бўлган, одатда аниқ предметларга нисбатан қўшимча тафсилотларни ўз ичига олган бошқа сиёсатларнинг тавсифи.

Изоҳ– Сиёсатларнинг мазмуни фарқланиши мумкин. Масалан, вазифа ва жавобгарликка алоҳида эътибор қаратаётган ташкилотлар мақсадларнинг тавсифини



соддалаштиришлари мумкин, аниқ принциплар ва жавобгарликни эса бир бўлимда тавсифлаш мумкин.

Қуйида тахминий структуралар ва ахборот хавфсизлиги сиёсатининг мазмуни келтирилган.

### **Ахборот хавфсизлиги сиёсати (мисол)**

#### **Сиёсат аннотацияси**

Ахборот уни тақдим этиш шакли ва тарқатиш, алмашиш ва сақлаш усулларида қатъи назар ҳар доим тегишли даражада муҳофаза қилиниши керак.

#### **Кириш**

Ахборот ҳар хил шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. У қоғозга босилган ёки ёзилган, электрон кўринишда сақланган, почта орқали жўнатилган ёки электрон воситалар ёрдамида юборилган, пленкага ёзилган ёки суҳбатда оғзаки ўтказилган бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги – бу бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш, бизнес-риискларни минималлаштириш, шунингдек бизнес-фаолиятнинг инвестициялари ва имкониятлари бўйича қайтаришни максималлаштириш мақсадида амалга ошириладиган таҳдидларнинг кўп турли-туманлигидан ахборотни муҳофаза қилиш.

#### **Амал қилиш соҳаси**

Ушбу сиёсат ташкилот хавфсизлигининг умумий сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ушбу сиёсат бутун ташкилотга тааллуқли.

#### **Ахборот хавфсизлиги мақсадлари**

1) Ташкилотда ахборот хавфсизлигининг стратегик ва операцион рисклари мавжудлигини тушуниш ва уни мақбул даражагача қайта ишлаш.

2) Мижозлар тўғрисидаги ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлаш, маҳсулот ишланмалари ва маркетинг режаларини муҳофаза қилиш.

3) Бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг яхлитлигини сақлаш.

4) Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган веб-хизматлар ва ички тармоқларнинг тегишли фойдалана олишлик стандартлари талабларига мувофиқлиги.

#### **Ахборот хавфсизлиги принциплари**

1) Ташкилот рискларни қабул қилишга ёрдам беради ва ахборот рискларини тушуниб олиш, назорат қилиш ва зарур бўлганда қайта ишлаш шарти билан корсерватив усулда бошқарилаётган ташкилотларда йўл қўйиб бўлмайдиган рискларга рухсат беради. Рискларни аниқлаш ва қайта

ишлаш учун қўлланиладиган усулнинг батафсил тавсифи АХБТ сиёсатида мавжуд.

2) Барча ходимлар ўз лавозим мажбуриятларига мувофиқ ахборот хавфсизлиги соҳасидан хабардор бўлишлари ва ҳисобот беришлари керак.

3) Ахборот хавфсизлигини бошқариш воситаларининг эксплуатацияси ва лойиҳаларни бошқариш жараёнлари молиялаштирилади.

4) Ахборот тизимларини умумий бошқаришда уларни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ фирибгарлик имкониятини ҳисобга олиш зарур.

5) Ахборот хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланиш мумкин.

6) Ахборот хавфсизлиги рисклари назорат қилинади, рискларни ўзгартириш натижалари номақбул бўлса, тегишли хатти-ҳаракатлар қилинади.

7) Рискларни таснифлаш ва мақбуллиги мезонлари АХБТ сиёсатида келтирилган.

8) Ташкилот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаган вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймайди.

### **Жавобгарлик**

1) Юқори раҳбарият бутун ташкилотда ахборот хавфсизлигининг адекват кўриб чиқилишини таъминлашга жавобгар бўлади.

2) Бўлинманинг ҳар бир раҳбари унинг бўлинмасида ишлайдиган ходимлар томонидан ташкилотнинг стандартларига мувофиқ ахборот муҳофазаси амалга оширилишига жавобгардирлар.

3) Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи юқори раҳбариятга маслаҳатлар беради, ташкилотнинг ходимларига малакали ёрдам кўрсатади ва ахборот хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлардан ҳамма фойдалана олишини таъминлайди.

4) Ташкилотнинг ҳар бир ходими ўз лавозим мажбуриятларига мувофиқ ахборот хавфсизлигига жавобгар бўлади.

### **Асосий натижалар**

1) Ахборот хавфсизлиги инцидентлари сезиларли ва кўзда тутилмаган харажатларга ёки хизматлар иши ва бизнес-фаолиятнинг узок муддат тўхтаб қолишига олиб келмайди.

2) Фирибгарлик натижасида келтирилган зарарлар маълум ва мақбул даражада.

3) Маҳсулот ёки хизматларни олувчи мижозлар ахборот хавфсизлигига нисбатан хотиржам бўладилар.

### **Бошқа сиёсатлар билан ўзаро боғлиқлик**

Ахборот хавфсизлигининг алоҳида аспекти бўйича принциплар ва тавсияларнинг батафсил тавсифи қуйида келтирилган сиёсатларда мавжуд:

1) АХБТ сиёсати;

- 2) фойдалана олишни бошқариш сиёсати;
- 3) «тоза стол» ва «тоза экран» сиёсати;
- 4) муаллифлаштирилмаган дастурий таъминотдан фойдаланишни чеклаш сиёсати;
- 5) дастурий таъминот файлларини ташқи тармоқлардан ёки улар орқали олиш сиёсати;
- 6) мобил кодлардан фойдаланиш сиёсати;
- 7) резерв нусха кўчириш сиёсати;
- 8) ташкилотлар ўртасида ахборот алмашув сиёсати;
- 9) электрон алоқа воситаларидан йўл қўйилган фойдаланиш сиёсати;
- 10) ёзувларни сақлаш сиёсати;
- 11) тармоқ хизматларидан фойдаланиш сиёсати;
- 12) мобил компьютерлар ва мобил алоқадан фойдаланиш сиёсати;
- 13) масофавий режимда ишлаш сиёсати;
- 14) ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик воситаларидан фойдаланиш сиёсати;
- 15) ахборот хавфсизлиги соҳасида халқаро стандартлар ва ташкилотнинг ички сиёсатлари талабларига мувофиқлигини назорат қилиш сиёсати;
- 16) дастурий таъминотни лицензиялаш сиёсати;
- 17) дастурий таъминотни чиқариб ташлаш сиёсати;
- 18) маълумотларни муҳофаза қилиш сиёсати ва расмий бўлмаган сиёсат.

Ушбу барча сиёсатлар куйидагиларни қўллаб-қувватлайди:

- тизимларни лойиҳалаш ва жорий этишда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган бошқарувнинг базавий воситаларини тақдим этиш йўли билан рискларни идентификациялаш;

- идентификацияланган заифликлар ва таҳдидлар учун уларни қайта ишлаш усулларини аниқлаш йўли билан рискларни қайта ишлаш.

«Рискларни идентификациялаш» ва «рискларни қайта ишлаш» жараёнлари «Ахборот хавфсизлиги принциплари» бўлимида берилган.

**Е илова**  
(маълумот учун)

**Мониторинг ва ўлчаш**


Ушбу иловада мониторинг ва ўлчашларни режалаштириш ва ишлаб чиқишда кўмаклашувчи қўшимча тавсиялар келтирилган.

**Мониторинг ва ўлчашларни соzлаш бўйича ахборот**

АХБТга қўйиладиган ўзига хос талабларни ишлаб чиқиш ташкилот учун раҳбарият томонидан таҳлил этишга зарур бўлган АХБТ учун хавфсизликни мониторинг қилиш ва ўлчаш дастури ишланмасини ўз ичига олади.

**Мониторингни ишлаб чиқиш**

Мониторинг жараёнининг кетма-кетлиги Е.1-расмда кўрсатилган.



Е.1-расм. Мониторинг жараёнининг кетма-кетлиги

## **Тайёргарлик ва мувофиқлаштириш: мониторинг қилиниши керак бўлган активларни аниқлаш**

Таъкидлаш лозимки, мониторинг тўхтовсиз жараёндир; уни ишлаб чиқишда мониторинг жараёнини созлаш, шунингдек мониторинг ва мониторинг фаолияти бўйича ҳақиқий эҳтиёжни ишлаб чиқиш ҳисобга олиниши керак. Бу фаолиятни мувофиқлаштириш ишланманинг мажбурий қисми ҳисобланади.

Мониторинг мақсадлари амал қилиш соҳаси ва рискларни таҳлил қилиш натижалари ва бошқарув воситаларини танлаш билан биргаликда активлар тўғрисидаги аввалдан белгиланган маълумотлар йиғиндиси асосида белгиланиши мумкин. Ушбу мақсадлар қуйидаги саволларга жавобларни ўз ичига олади:

- нимани аниқлаш зарур;
- қачон;
- нимага нисбатан.

Амалиётда ташкилотнинг олдиндан ўрнатилган фаолият/жараён турлари ва улар билан боғлиқ активлар мониторинг амал қилишининг асосий соҳаси ҳисобланади («нимага нисбатан» деган саволга жавоб олинади). Мониторингни ишлаб чиқишда ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим активларни танлаш талаб қилиниши мумкин. Шунингдек, ташкилотнинг активлари ва улар билан боғлиқ фаолият/жараён турларида текширилиши керак бўлган нарсаларни аниқлашда рискларни қайта ишлаш натижалари ва бошқарув воситаларини танлашни эътиборга олиш керак (Бу «нимани аниқлаш зарур» ва «қачон» деган саволларга жавоб беради).

Мониторингни ўтказишда юридик аспектлар ўрин эгаллаши мумкинлигини ҳисобга олиб, мониторингни ўтказишда қандайдир юридик оқибатлар бўлмаслиги учун мониторинг ишланмаси албатта текширилиши керак.

Мониторингнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлаш учун мониторингни якуний ишлаб чиқишда барча фаолият турларини мажбурий мувофиқлаштириш ва бажариш муҳим аҳамиятга эга.

### **Мониторинг бўйича фаолият**

Ахборот хавфсизлигининг зарур даражасини қўллаб-қувватлаш учун мос келувчи воситалар сифатида аниқланган ахборот хавфсизлигини бошқариш воситаларидан тўғри фойдаланиш керак; хавфсизлик инцидентларини аниқлаш ва уларга жавоб қайтариш ўз вақтида амалга оширилиши керак, АХБТнинг ишлаши эса мунтазам текширилиши керак. Ахборот хавфсизлиги концепциясига мувофиқ жорий этилган барча мавжуд бошқарув воситаларидан мунтазам текширувларни ўтказишда фойдаланиш зарур эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Бу текширувлар бошқарувнинг техник воситалари (масалан, конфигурациялар) ва бошқарувнинг ташкилий воситаларининг (масалан, жараёнлар, процедуралар ва операциялар) мувофиқлиги текширувини ўз ичига олиши керак. Энг аввало текширувлар камчиликларни бартараф

этиш учун йўналтирилиши керак. Барча жалб қилинган ходимлар текширувлар мақсади – уларнинг натижаларини тасдиқлашни тушунишлари муҳим. Текширувлар вақтида қатнашувчилар билан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишни муҳокама қилиш ва аввалдан камчиликларни бартараф этишнинг тегишли усулларини топиш зарур.

Текширувлар имкон қадар самарали ўтиши ва бир вақтнинг ўзида ташкилотнинг одатдаги ишида камроқ бузилишлар бўлиши учун текширувлар ўтказишга пухталиқ билан тайёргарлик кўрилган бўлиши керак. Умумий ўтказиладиган текширувлар олдиндан раҳбарият билан келишилган бўлиши керак. Мониторинг бўйича фаолият учта турли асосий шаклни ўз ичига олиши мумкин:

- инцидентлар тўғрисида ҳисоботлар;
- бошқарув воситаларининг функционал вазифасига мувофиқлиги ёки номувофиқлигини тасдиқлаш;
- бошқа мунтазам текширувлар.

Бундан кейин мониторинг бўйича фаолият натижаларини тақдим этиш шакли ишлаб чиқилиши керак, яъни ёзувлар қандай бажарилиши керак ва раҳбариятга ахборот қандай тақдим этилиши керак. Ўрнатилган шаклда бажарилган ҳужжатларда мониторинг ишланмаси, мониторинг бўйича фаолият принциплари ва мақсадлари, шунингдек жавобгарликнинг турли соҳалари тавсифланиши керак.

### **Мониторинг натижаларига қўйиладиган талаблар**

Мониторинг натижалари қуйидагилар бўлиши керак:

а) зарур даражада батафсил текширилган мониторинг бўйича фаолият ёзувлари.

Мониторинг бўйича фаолият натижаларига кўра раҳбариятга ҳисобот тақдим этилиши керак. Бу ҳисобот зарур даражада батафсил текшириб ёзилган, ўз бошқарув ва назорат функцияларини бажариш учун раҳбариятга зарур бўлган барча ахборотдан иборат;

б) раҳбариятга тезкор хатти-ҳаракатлар зарур бўлган ҳолда қарорлар қабул қилиш учун талаб қилинадиган ахборот.

Раҳбариятга ҳисобот барча ҳолларда аниқ белгиланган устувор вазифалар билан, ушбу ҳар бир хатти-ҳаракатни амалга ошириш учун тахмин қилинадиган харажатларни реал баҳолаш билан бирга тавсия этиладиган хатти-ҳаракатлар рўйхати билан берилади. Бу раҳбариятга кечиктирмай қарор қабул қилиш имконини беради.

### **Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини ўрнатиш.**


#### **Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини ишлаб чиқиш обзори**

Ўлчаш жараёни АХБТ лойиҳаси ёки ташкилот циклига самарали интеграцияланган бўлиши ва хавфсизлик билан боғлиқ жараёнлар ҳамда ушбу лойиҳа ёки ташкилот натижаларининг узлуксиз яхшиланиши учун


ишлатилиши керак. O'z DSt ISO/IEC 27004 га мувофиқ бу жараён ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастури деб номланади.

Дастур ишланмасини АХБТ цикли нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарур. Е.2-расмда ўлчаш жараёни қандай қилиб АХБТ циклига қурилиши кўрсатилган.

### АХБТ самарадорлигини ўлчаш



### Ҳар бир жараённинг самарадорлигини ўлчаш



Е.2 расм. PDCA жараёни ёрдамида АХБТ самарадорлигини ўлчашнинг икки аспекти ва ташкилот ичидаги жараёнларга мисоллар

Берилган талабларни бажариш ва кутилган натижаларни олиш учун бошқарув тизимлари қуйидаги функцияларни бажариши керак: PDCA учун зарур бўлган структуралаш; Чиқиш маълумотларини ўлчаш ва улар самарадорлигини тасдиқлаш; жараёнлар раҳбарига ўлчаш натижаларини тесқари алоқа канали орқали узатиш.

Ўлчашни тўғри бажаришнинг муҳим шарти бўлиб аввал олинган ахборотдан фойдаланиш ҳисобланади, айниқса:

- a) АХБТ сиёсатлари, унинг амал қилиш соҳаси ва чегаралари;
- b) рискларни аниқлаш натижалари;
- c) танланган бошқарув воситалари;
- d) бошқарув мақсадлари;
- e) ахборот хавфсизлигининг ўзига хос мақсадлари;
- f) берилган жараёнлар ва ресурслар, шунингдек уларнинг таснифи.

Раҳбарият ўлчашнинг бутун жараёни бўйича жавобгарликни зиммасига олиши ва бажариши керак. Ўлчаш жараёнини бажаришда раҳбарият қуйидагиларни бажариши керак:

a) О‘з DSt ISO/IEC 27004 га мувофиқ ўлчашларга қўйиладиган талабларни ўрнатиш;

b) О‘з DSt ISO/IEC 27004 га мувофиқ барча зарур ахборотни олишга эътиборни қаратиш;

c) ходимларга қуйидаги мажбуриятлар юклансин:

- ташкилот ўз мажбуриятларини намойиш этиши керак, масалан, ташкилот учун ўлчаш сиёсати воситасида, жавобгарлик ва мажбуриятларни, тренингларни тақсимлаш, бюджет ва бошқа ресурсларни тақсимлаш;

- ўлчаш дастурига жавобгар бўлган шахс ёки ташкилот бўлинмаси тайинланган бўлиши керак;

- ташкилотнинг барча бўлинмалари билан АХБТни ўлчашнинг муҳим аҳамиятли натижаларини алмашиш учун жавобгар шахс ёки ташкилот бўлинмаси раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши керак, улар бу натижаларни олишлари ва ундан фойдаланишлари керак;

- АХБТни ўлчаш натижаларини йиғиш, таҳлил қилишнинг бажарилишини текшириш, ахборот технологиялари бўйича бўлинма раҳбари ва бошқа манфаатдор томонлар олдида ҳисобот бериш;

- таркибий бўлинмалар раҳбарларини сиёсат, ресурслар ва бюджетни тақсимлашга нисбатан қарорлар қабул қилиш учун АХБТни ўлчаш дастурининг натижаларидан фойдаланишга ўргатиш.

Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастури ва лойиҳаси қуйидаги вазифаларни ўз ичига олиши керак:

a) юқори раҳбарият;

b) хавфсизлик маҳсулотларидан фойдаланувчилар;

c) ахборот тизимида жавобгар шахслар;

d) ахборот хавфсизлигига жавобгар шахслар.

О‘з DSt ISO/IEC 27004 да тавсифланган ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастури АХБТнинг самарадорлиги кўрсаткичларини олиш, бошқарув мақсадлари ва воситалари учун ишлатилади.

Бу мақсадларга эришиш учун режалаштириш фазасида тегишли ўлчашларни ўтказиш зарур.

Ахборот хавфсизлигини ўлчашнинг фойдаланиладиган дастурлари ташкилотнинг структурасига боғлиқ ҳолда фарқланиши мумкин, айниқса:



- ўлчами;
- мураккаблиги;
- ахборот хавфсизлиги rischi/эҳтиёжининг умумий профили.

Одатда мураккаб структурага эга катта ташкилот учун кенг қамровли ўлчаш дастури зарур. Ўлчаш дастурининг кенг қамровлиликка умумий риск даражаси ҳам таъсир ўтказади. Агар самарали бўлмаган ахборот хавфсизлигининг таъсири жиддий бўлса, у ҳолда нисбатан катта бўлмаган ташкилотга рискларни ёпиш учун бундай таъсир кўрсатилмайдиган катта ташкилотга қараганда мукамалроқ ўлчаш дастури талаб этилиши мумкин.

Ўлчаш дастурининг кенг қамровлиликни баҳолаш танланган бошқарув воситалари ва ёпилиши керак бўлган рискларни таҳлил этиш натижаларига асосланиши мумкин.

### **Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини ишлаб чиқиш**

Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурига жавобгар шахс, қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- қўллаш соҳаси;
- ўлчаш;
- ўлчашларни бажариш;
- ўлчашнинг даврийлиги;
- ҳисобдорлик.

Ўлчаш дастурини қўллаш соҳаси АХБТ амал қилиш соҳаси, бошқарув мақсадлари ва воситаларини қамраб олиши керак. Хусусан, АХБТни ўлчаш мақсадлари ва чегаралари ташкилот характеристикалари, унинг жойлашган ўрни, активлари ва технологияларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўлиши, шунингдек АХБТ амал қилиш соҳасидан барча истиснолар учун батафсил текширув ва асосларни ўз ичига олиши керак. Бу хавфсизлик бошқаруви воситаларидан бири, жараён, тизим, функционал соҳа, бутун корхона, битта бўлинма ёки ўз таркибида бир нечта бўлинмага эга бўлган ташкилот бўлиши мумкин.

O'z DSt ISO/IEC 27004 га асосан ҳар бир алоҳида ўлчашни танлашда бошланғич нуқта ўлчаш объекти бўлиши керак. Ўлчаш дастурини ўрнатиш учун бу объектлар белгиланиши керак. Ўлчаш объектлари бўлиб жараёнлар ёки ресурслар бўлиши мумкин. Дастурни ўрнатишда АХБТ амал қилиш соҳасида бўлган объектлар кўпгина ҳолларда ўлчаниши зарур бўлган ҳақиқатан мавжуд объектларни топиш учун қисмларга ажратилади. Объектларни аниқлашнинг бу жараёнини қуйидаги тарзда тушунтириш мумкин:

- ташкилот комплекс объект ҳисобланади;
- ташкилотнинг А жараёни ёки Х ахборот тизими ушбу комплекс объектнинг қисми ҳисобланади ва ўз моҳиятига кўра, у ҳам объект ҳисобланади;
- ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи (ходимлар, қоидалар, тармоқ, иловалар, аппарат воситалари ва ш.к.) ушбу жараён доирасидаги объектлар

одатда ахборотни муҳофаза қилиш самарадорлигини кўришга имкон берувчи ўлчаш объектлари ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини бажаришда ўлчаш объектлари ташкилотда АХБТ амал қилиш соҳаси доирасида кўплаб жараёнларни бажаришга хизмат қилиши мумкинлигини ва шу қаторда АХБТ самарадорлиги ва бошқарув мақсадларига катта таъсир кўрсатишини кўзда тутиш зарур. Бундай объектлар одатда дастур амал қилиши соҳасида устуворликка эга, масалан, ташкилот хавфсизлиги ва у билан боғлиқ жараёнлар, компьютер зали, ахборот хавфсизлигига алоқадор бўлган ходимлар ва ҳ.

Ўлчашнинг даврийлиги ўзгариши мумкин, бироқ маълум вақт оралиғида ўлчашлар раҳбарият томонидан таҳлил қилиш ва АХБТни яхшилаш ва қўллаб-қувватлашнинг узлуксиз жараёни учун бажарилиши ёки умумлаштирилиши афзал. Дастурни ишлаб чиқишда буни ҳисобга олиш зарур.

Ўлчаш натижалари бўйича ҳисобот шу тарзда ишлаб чиқиши керакки, унда ахборотни тақдим этиш O‘z DSt ISO/IEC 27004 га асосан амалга оширилиши керак.

Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини ишлаб чиқиш процедураси ҳужжатлаштирилган ва раҳбарият томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Бу ҳужжатда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

- а) ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурига жавобгарлик;
- б) ахборотни тақдим этишга жавобгарлик;
- с) ўлчашларни қўллаш соҳаси;
- д) дастур ким томонидан ва қандай бажарилиши керак (асосий фойдаланиладиган усул, ташкилот ёки чет ташкилотнинг ходимлари томонидан ва ҳ.);
- е) дастур қачон бажарилиши керак;
- ф) ҳисоботни тақдим этиш усуллари.

Агар ташкилот ўзининг шахсий ўлчаш нуқталарини ишлаб чиқаётган бўлса, у ҳолда бу O‘z DSt ISO/IEC 27004 га мувофиқ лойиҳа фазасининг қисми сифатида ҳужжатлаштирилиши керак. Бу ҳужжат жуда катта бўлиши мумкин ва уни раҳбарият томонидан имзоланиши шарт эмас, чунки ўлчашни бажаришда унга ўзгартишлар киритилиши мумкин.

### **АХБТ самарадорлигини ўлчаш**

Жорий қилиниши керак бўлган ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини қўллаш соҳасини аниқлашда жуда кўп объект бўлмаслигини таъминлаш зарур. Акс ҳолда дастурни турли қисмларга оқилона ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу қисмларнинг амал қилиш соҳаси қиёслаш учун алоҳида ўлчашлар билан тақдим этилиши мумкин, лекин уларнинг асосий мақсади: АХБТ самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткич сифатида барча ўлчашлардан фойдаланиш. Бу кичик соҳалар одатда аниқ чегаралари белгиланиши мумкин бўлган ташкилотнинг бўлинмалари ҳисобланади. Ташкилотдаги кўплаб жараёнларни бажариш ва бу кичик соҳалар

чегарасида объектларни ўлчаш учун хизмат қилувчи барча объектлар биргаликда ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини қўллашнинг тегишли соҳасини ҳосил қилиши мумкин. Бу барча объектларни икки ёки ундан ортиқ жараён/объектдан иборат АХБТнинг бир қатор фаолиятлари сифатида ҳам тақдим этиш мумкин. Шундай қилиб, бутун АХБТ самарадорлигини ўлчаш ушбу икки ёки ундан ортиқ жараён/объектни ўлчаш натижаларига асосланиши мумкин.

АХБТ самарадорлигини ўлчаш мақсадини ҳисобга олган ҳолда, бошқарув мақсадлари ва воситаларини ўлчаш муҳим. Бошқарув воситаларининг етарлича миқдори бир аспект ҳисобланса, бошқа аспект эса – ушбу бошқарув воситалари АХБТ самарадорлигини баҳолаш учун етарли эканидир (Е.2-расм). Ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини қўллаш соҳаси O‘z DSt ISO/IEC 27004 да кўриб чиқиладиган бошқа сабаблар билан чекланиши мумкин.

АХБТ самарадорлигини баҳолаш учун ўлчаш натижалари, бошқарув мақсадлари ва воситаларидан фойдаланишда муҳим шарт бўлиб раҳбариятнинг ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурининг амал қилиш соҳаси тўғрисида хабардор қилиш ҳисобланади. Ўлчаш дастури учун жавобгар шахс раҳбариятдан ахборот хавфсизлигини ўлчаш дастурини қўллаш соҳаси учун ушбу дастурни жорий этишгача рухсат олиши керак.

Изоҳлар

1 Бошқарув воситалари ёки бошқарув воситаларининг гуруҳи самарадорлигини ўлчаш бажарилмоқда.

2 Фақат бутун АХБТ самарадорлигини таҳлил қилиш учун зарур, бутун АХБТни ўлчаш талаб этилмайди.

Ҳақиқатан ўлчашлар ташкилот ёки бошқа ташкилот ходимлари томонидан ҳамда биргаликда бажарилиши мумкин. Ташкилот миқёси, структураси ва унинг ташкилий маданияти ички ёки ташқи ресурсларни баҳолашда ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар ҳисобланади. Катта ташкилотларга нисбатан катта бўлмаган ва ўртача компанияларга ташқаридан мутахассисларни жалб қилиш фойдалироқ. Ташкилий маданиятга боғлиқ ҳолда, ташқи ресурслардан фойдаланиш натижалари шунингдек янада ишончлироқ натижа билан таъминлаши мумкин. Агар ташкилотда ички аудитлар мунтазам ўтказилса, ички ресурслардан фойдаланиш натижалари аниқ ишонарли бўлиши мумкин.

**Ғилова**  
(маълумот учун)

### **Ютуқнинг критик омилларига мисоллар**

Ютуқнинг критик омилларига мисоллар қуйидагилар:

а) ахборот хавфсизлиги сиёсати, мақсадларга эришишга йўналтирилган мақсадлар ва фаолият;

б) ташкилий маданиятга мос келувчи ахборот хавфсизлигини лойиҳалаш, жорий этиш, мониторинг қилиш, эксплуатация қилиш ва яхшилаш учун зарур методика ва инфратузилма;

с) бошқарувнинг барча даражалари, айниқса юқори раҳбарият томонидан сезиларли қўллаб-қувватлаш ва мажбуриятлар;

д) О‘z DSt ISO/IEC 27005 га мувофиқ ахборот хавфсизлиги рискларини бошқариш воситасида эришиладиган ахборот активларини муҳофаза қилиш талабларини тушуниш;

е) ахборот хавфсизлиги соҳасида хабардорлик даражаси, тренинглар ва ўқитиш дастурлари, барча хизматчилар ва бошқа тегишли томонларни ахборот хавфсизлиги сиёсатлари, стандартлар ва ш.к.да баён қилинган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги уларнинг мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш ва уларнинг тегишли ҳаракатларга бўлган асослари;

ф) ахборот хавфсизлиги инцидентларини бошқаришнинг самарали жараёни;

г) бизнес узлуксизлигини бошқаришнинг самарали усули;

ҳ) ахборот хавфсизлиги бошқарилишини баҳолаш ва уни яхшилаш бўйича таклифлар бериш учун фойдаланиладиган ўлчашлар тизими.

**Г илова**  
(маълумот учун)

**Ўзбекистон давлат стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар**

G.1-жадвал

| Ўзбекистон ҳавола қилинган давлат стандартининг белгиланиши ва номи  | Мувофиқлик даражаси | Тегишли халқаро стандартнинг белгиланиши ва номи  |
|--|---------------------|---|
| O'z DSt ISO/IEC 27000:2014<br>Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Шарҳ ва луғат  | MOD                 | ISO/IEC 27000:2014<br>Информационные технологии. Методы обеспечения безопасности. Системы управления информационной безопасностью. Обзор и словарь                          |
| O'z DSt ISO/IEC 27001:2009<br>Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Талаблар   | IDT                 | ISO/IEC 27001:2005<br>Информационные технологии. Методы обеспечения безопасности. Системы управления информационной безопасностью. Требования                               |
| O'z DSt ISO/IEC 27002:2008<br>Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг амалий қоидалари  | IDT                 | ISO/IEC 27002:2005<br>Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Практические правила управления информационной безопасностью.                             |
| O'z DSt ISO/IEC 27004:2014<br>Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимининг самарадорлигини ўлчаш  | MOD                 | ISO/IEC 27004:2009<br>Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Управление информационной безопасностью. Измерения  |
| O'z DSt ISO/IEC 27005:2013<br>Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги рискларини бошқариш   | MOD                 | ISO/IEC 27005:2011<br>Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Управление рисками информационной безопасности  |
| O'z DSt ISO/IEC 27006:2013<br>Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимларининг аудити ва уларни сертификатлаштириш органларига қўйиладиган талаблар | MOD                 | ISO/IEC 27006:2007<br>Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Требования к органам аудита и сертификации систем управления информационной безопасностью |
| Изоҳ – Ушбу жадвалда стандартлар мувофиқлик даражасининг қуйидаги шартли белгиларидан фойдаланилган: IDT - айнан ўхшаш; MOD – модификация қилинган.  |                     |   |

## Н илова

(маълумот учун)

### Техник оғишлар ва уларни киритиш сабабларининг изоҳи

Н.1 Стандартга қуйидаги таҳририй ўзгартишлар киритилган: «ушбу халқаро стандарт» сўзлари «ушбу стандарт» сўзларига алмаштирилган.

Н.2 Стандарт O'z DSt 1.6:2003 талабларини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштирилган.

Н.3 Стандартга алоҳида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. Киритилган модификациялар рўйхати ва уларни киритиш сабабларининг изоҳи Н.1-жадвалда келтирилган

#### Н.1-жадвал. Киритилган модификациялар рўйхати

| Бўлим                 | Модификация   | Изоҳ   |
|-----------------------|---|--|
| Сўз боши              | Истисно этилган   | Сўз боши фақат халқаро стандартни ишлаб чиқиш тўғрисидаги ахборотдан иборат бўлгани сабабли  |
| 2-бўлим               | ISO/IEC 27001:2005 халқаро стандарти O'z DSt ISO/IEC 27001:2009 га алмаштирилган  | G иловага мувофиқ  |
|                       | Қуйидаги Ўзбекистон давлат стандартлари киритилган:<br>- O'z DSt ISO 9001:2009;<br>- O'z DSt ISO 14001:2009;<br>- O'z DSt ISO/IEC 27002:2008;<br>- O'z DSt ISO/IEC 27004:2014;<br>- O'z DSt ISO/IEC 27005:2013;<br>- O'z DSt ISO/IEC 27006:2013 | Библиография чиқариб ташланганлиги сабабли.<br>G иловага мувофиқ тегишли халқаро стандартлар Ўзбекистон давлат стандарт-ларига ўзгартирилган |
| 4.1, иловалар рўйхати | F илова билан тўлдирилган   | ISO/IEC 27000:2009 стандартининг 5.4-бандига ҳаволалар истисно этилгани сабабли  |
| 5.2, қўшимча ахборот  | ISO/IEC 20000:2005 халқаро стандартига ҳавола истисно этилган   | Кўрсатилган стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилмаслиги сабабли  |
| 5.4, қўшимча ахборот  | ISO/IEC 27000:2009 халқаро стандартига ҳавола истисно этилган, таҳрир ўзгартирилган   | F илова қўшилган   |
| Иловалар              | F илова «Ютуқнинг критик омилларига мисоллар» қўшилган  | ISO/IEC 27000:2009 стандартининг 5.4-бандига ҳаволалар истисно этилгани сабабли  |

## Н.1-жадвалнинг охири

| Бўлим        | Модификация     | Изоҳ  |
|--------------|-----------------|---|
| Библиография | Истисно этилган | Тегишли Ўзбекистон давлат стандартларига эга халқаро стандартлар 2-бўлимга ўтказилганлиги сабабли Қолган халқаро стандарт-ларга ҳаволалар халқаро стандарт матнида мавжуд эмас. |

УДК 681.324:006.354

ОКС 35.040

T55

Асосий сўзлар: ахборот технологияси, ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими, амал қилиш соҳаси, рискларни аниқлаш ва қайта ишлаш, бошқарув мақсадлари ва воситалари, ахборот хавфсизлиги сиёсати

---



«UNICON.UZ» ДУК  
директори в.в.б.

Х.Хасанов

Криптография илмий-тадқиқот  
бўлими бошлиғи

О. Ахмедова

Криптография илмий-тадқиқот  
бўлими етакчи муҳандиси

С. Абрамова

Криптография илмий-тадқиқот  
бўлими кичик илмий ходими

Д. Джаматова

Норма назорати

М. Комилова

## КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси алоқа,  
ахборотлаштириш ва телекоммуникация  
технологиялари давлат қўмитаси  
Ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи

А. Гафуров  
04.02.2013й. даги  
14-8/414-сон хати

## КЕЛИШИЛГАН

Алоқа, ахборотлаштириш ва телеком-  
муникация технологиялари соҳасида  
назорат бўйича давлат инспекцияси  
бошлиғининг биринчи ўринбосари

А. Гафуров  
28.12.2012й. даги  
32-12/1596-сон хати